
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 4 апрель Чоршанба № 64 (13. 500). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •



Қўқон политехника техникумини битирган ёш мутахассислар халқ хўжалигининг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатишмоқда. Илм даргоҳидаги таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам талабаларнинг кейинги мустақил ҳаётларида қўл келаяпти.

Нилуфар Орипова билан Донохон Толипова (суратда) ҳам техникумни бу йил тамомладилар. Улар эрта-индин турли муассасаларда мутахассис сифатида иш бошлашади.

Муҳаммад АМИН суратга олган.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасида

Ўзбекистон комсомолига бағишланади

Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси Секретариати Ўзбекистон комсомоли ташкил топганлигининг 65 йиллиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда, байрам кунларида тантанали комсомол йиғилишлари жумҳуриятимизнинг барча вилоят ва ноҳияларида, бошланғич ташкилотларида ўтказилиши белгиланди. Комсомол кекса фаоллари билан учрашувлар ташкил қилиш, жумҳурият комсомоли тарихига алоқадор жойлардаги ёдгорликлар атрофларини ободонлаштириш, ВЛКСМ ва кашшоф сафига қабул қилишга алоҳида эътибор бериш таъкидланди. Комсомол сафига янги қабул қилинганларга аъзолик билетлари тантанали суратда топширилиши кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон комсомолининг 65 йиллиги йигит-қизларнинг, барча авлод вакиллари ҳақиқий байрами сифатида нишонланиши таъкидлаб ўтилди.

Баҳорги чақириқ арафасида

АРМИЯ ХИЗМАТИМИ ЁКИ МЕҲНАТ МАЖБУРИЯТИМИ?

Қорақалпоғистондаги, айниқса, унинг қишлоқларидаги армияга чақирилувчи ёшларнинг катта қисми мамлакат Қуролли Кучлари учун... меҳнат резерви бўлаётганлиги сир эмас. Уларнинг кўпчилиги қурилиш батальонларида ишлайдилар. Чунки ёшларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳам, умумий таълим тайёргарлиги ҳам жуда заифдир.

Ҳарбий комиссариат «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги СССР Қонуни Қорақалпоғистон АССРда қандай бажарилаётганлигини тўла-тўкис текшириш чоғида олинган маълумотларни таҳлил этиш ушбу ҳолнинг энг биринчи сабаби — хизматга чақирилувчиларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш учун энг оддий шарт-шароит йўқлигини кўрсатди.

1989 йил якунларига кўра, мухтор жумҳурият мактаблари ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг бошланғич ҳарбий тайёргарлик ўқув-моддий базаси атиги 30 фоиз жиҳозланган эди, яъни ҳар 3 мактабнинг иккитасида махсус жиҳозлар, ҳарбий машқ майдончалари, энг оддий тир ҳам йўқ эди. Техникумларда аҳвол бироз яхшироқ — уларнинг ярми у ёки бу даражада жиҳозланган. Мухтор жумҳурият бўйича эса умуман 162 та ўқув юртидагина ўқувчилар бошланғич ҳарбий таълимни ўзлаштириб олишлари учун оддий шарт-шароит яратилган. Кегайли, Чимбой ва Қораўзак ноҳияларида ишларнинг аҳволи айниқса ачинарлидир.

Армияга чақирилувчи ёшлар билан оммавий ўқув машғулотлари ўтказишда янада мураккаброқ вазият юзага келди. Маҳаллий маъмурларнинг йўл қўйиб бериши оқибатида иккита мудофаа-спорт соғломлаштириш лагери қурилиши номаълум муддатга чўзилиб кетди, бу лагерлар Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг махсус қарорига биноан бундан икки йил аввал фойдаланишга топширилиши керак эди.

Текшириш натижалари умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги Қонуннинг ўзини рўёбга чиқаришда бир қанча жиддий камчиликлар борлигини ҳам кўрсатди. Армияга чақирилувчиларни ҳисобга олиш ҳануз йўлга қўйилмаган. Ҳеч қандай тиббий кўрикдан ўтмаган йигитларни армия хизматига юбориш ҳоллари ҳам бўлди. Натижада юзлаб ёшлар соғлиги туфайли қисмлардан чиқариб юборилди.

Жумҳурият ҳарбий комиссариатининг армияга чақирилган ёшлар йиғиладиган ери ҳам улар билан ишлашда турғунликка қўйилган ўзига хос ҳайкал бўлди. Қачонлардир қурилган бу комплекс замонавий талабларга мутлақо жавоб бермаган ҳолда қандай бунёд этилган бўлса, фақат музей ходимларининг кўзини қувонтириб бўй-бастини кўз-кўз қилиб турибди.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.
Қорақалпоғистон АССР.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ КОМСОМОЛ XXI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси томонидан тасдиқланган ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг комсомол XXI съездига ҳисоботини эълон қиляпмиз. Бу Марказий Қўмитанинг ВЛКСМ XX съезди қарорларини бажариш бўйича фаолияти ҳақидаги ахборот билан олдиндан танишиш имконини беради. Пленум съездда маъруза қилишни ВЛКСМ МҚ биринчи котиби В. Мироненкога топширди.

I.

ВЛКСМ XXI съездини чақириш тўғрисидаги қарорда, гарчи бундай деб белгиланмаган бўлса-да, у фавқулодда съезд ҳисобланади. XX съезддан кейинги ўтган уч йилда комсомолнинг ривожланиши, жамиятда сиёсий вазиятнинг янада кескинлашуви, иқтисодий беқарорлик ва ижтимоий таранглигининг ўсиб бориши съезднинг фавқулоддалигини белгилаб беради.

ЯНГИЛАНИШ ЗИДДИЯТЛАРИ

1985 йилнинг апрели каби, 1987 йилнинг апрелида — ВЛКСМ XX съездида биз қайта қуришнинг моҳияти социалистик жамиятнинг айрим [illegible] кифояланилади, деб ўйлаган эдик. Аммо ҳаёт жамият [illegible] унинг асосларини — иқтисодий пойдеворидан то сиёсий устқурмагача тубдан қайта яратишга муҳтож эканлигини кўрсатди.

Иқтисодиётни янги изларга ўтказиш, демократия ва ошкораликни ривожлантириш мамлакатни демократик, инсонпарвар социализм йўлига ўтиб олиш учун чинакам замин бўлади. Маъмурий-буйруқбозлик системасини тугатиш, совет федерациясини янгилаш йўлларини излаш давом этмоқда, янги сиёсий, мафкуравий ва ахлоқий асослар шаклланмоқда. Советларнинг тўла ҳокимлиги тикланмоқда, мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари [illegible] ер ўз ҳақиқий соҳиблари — меҳнаткашларни топмоқда.

Утган уч йилликнинг сиёсий ўзига хослиги ижтимоий кучларнинг қарама-қаршилиги билан белгиланди. Нафақат консерватив кучларгина эмас, балки [illegible] ҳам қолди.

Ижтимоий беқарорлик, ижтимоий системанинг инқирози, эски қолипларнинг емирилиши ёшлар муҳитига ўткир ва фожиали таъсир кўрсатмоқда.

Кўплаб ёш меҳнаткашлар учун иқтисодий ислоҳотлар ҳозирча ижобий натижалар бермаяпти. Уларнинг турмуш даражаси тобора тушиб бормоқда.

Ёшларнинг меҳнат ва истеъмол соҳасида камситиш давом этмоқда. Мисол учун ёш ишчи ва хизматчиларнинг ўртача маоши 120-140 сўмни ташкил қилади, 2,5 миллион атрофидаги ёш оилалар уй-жой учун навбатда турибди, [illegible] Ёшларнинг моддий таъминланиш даражаси ўртача турмуш кечириш кўрсаткичларидан анча паст.

Мамлакатимиздаги 7 миллион ишсизнинг ярмидан кўпи йигит ва қизлардир. [illegible] Мамлакатимизда 130 мингдан зиёд гиёҳванд қайд этилган бўлиб, уларнинг аксарияти ёшлардир.

Ёшларнинг катта қисми учун шу кунгача [illegible] бормоқда.

«Социализм шароитидаги бахтли болалик ва ўсмирлик» тўғрисидаги афсоналарнинг чиппакка чиқиши [illegible] тўғрисида, кенг омма онгида ҳали унинг аниқ жиҳатлари шаклланмаган жамият ҳақида орзу қилишмоқда.

ҲАРАКАТ — ДАВР ТАЛАБИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ҳисобот давридаги кучғайрати:

— мамлакатдаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий янгиланишларда иштирок этиш;

— янги демократик механизмларни, сиёсий, миллий муроса тузилмаларини аввало ёшлар даражасида шакллантириш;

— ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳимоя қилиш;

— замонавий ёшлар сиёсати асосларини ишлаб чиқиш, ҳокимиятнинг қонунчилик ва ижро органларида ушбу сиёсатни умумдавлат миқёсида йўналтириб туриш учун қўмита ва бошқармалар тузишга қаратилди.

Замонавий сиёсатнинг туб масалалари бўйича ВЛКСМнинг принципиал позициялари комсомолдан СССР халқ депутатлигига сайланганларга берилган наказларда, ВЛКСМ МҚ IX пленумида қабул қилинган Ҳаракатнома мурожаатида, МҚ Бюросининг қатор қарорларида, «Комсомольская правда» ва бошқа комсомол нашрларида марказий сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг чиқишларида баён этиб берилган.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси:

— Советларнинг тўла ҳокимияти учун;

— инсонни инсон томонидан ва инсонни давлат томонидан эксплуатация қилинишига чек қўйиладиган мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари учун;

— музофот хўжалик ҳисоби ва маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш учун;

— инқироз ва инвестицион сиёсатни бартараф этиш, инсон томонига қаратиш учун;

— ижтимоий соҳани тубдан ривожлантириш, ҳарбий харажатларни қисқартириш учун;

— жамоатчилик ташкилотлари ҳақидаги, матбуот тўғрисидаги, виждон эркинлиги ва бошқа реал халқ ҳокимияти ва фикрлар хилма-хиллигини таъминловчи давлат ҳужжатларини қабул қилинишини тезлаштириш тарафдори бўлиб чиқди.

II.

ВЛКСМ XX съезди комсомол ташкилотларини туб ижтимоий-иқтисодий янгиланиш учун курашнинг олдинги марраларига [illegible] деб [illegible]

ВЛКСМ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Съезд қарорларини бажариб, ВЛКСМ МҚ иккинчи пленуми комсомол ташкилотларининг иқтисодий фаолиятини янгилаш юзасидан тадбирлар белгилади. [illegible]

ВЛКСМнинг иқтисодий фаолияти ҳуқуқий норматив асослари бўлиб:

— «ВЛКСМ ташқи иқтисодий фаолиятини кенгайтириш тўғрисида»;

— «ВЛКСМнинг хўжалик фаолиятига ёрдам бериш тўғрисида»ги ҳукумат қарорлари хизмат қилди.

ЯНГИ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ

Комсомол қўмиталари қошида 4 мингдан ошиқ хўжалик тузилмалари ишлаб турибди, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва кўрсатаётган хизматлар миқдори 2 миллиард сўмга етади. [illegible]

Ёшларнинг [illegible]

КОМСОМОЛ ВА ШИРКАТ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси мамлакатда ширкатчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлади. [illegible] Ўқувчилар ширкатлари Ассоциацияси ташкил этилди.

ТАЛАБАЛАР ОТРЯДЛАРИ

Уч йилда талабалар отрядлари икки миллиард сўмлик иш бажарилди. [illegible] бу ишда кўнгиллилик принципини бош мезон қилиб олиниши ўзгаришларнинг асосий жиҳатидир. Бутуниттифоқ талабалар отряди тўғрисида Низоми ишлаб чиқилди, ўз умрини яшаб бўлган, маънавий эскирган норматив ҳужжатлар бекор қилинди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари Марказий штабининг вазифалари ўзгарди — у мувофиқлаштириш-методик органга айланди.

ЁШЛАР УЧУН УЙ-ЖОЙЛАР

35 мингдан ошиқ ёш оила ёшлар уй-жой комплекслари орқали ободонлаштирилган хонадонли бўлишди. Ҳозирги вақтда 700 дан ошиқ ёшлар уй-жой комплекси фаолият кўрсатмоқда ва лойиҳа қиймати 1,2 миллиард сўмни ташкил этадиган қурилиш олиб бораяпти. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси РСФСР Ноқоратупроқ зона Давлат деҳқончилик саноат қўмитаси билан биргаликда 1989-1995 йилларга мўлжалланган 69 иқтисодий жиҳатдан камқувват хўжаликда қишлоқ ёшлари уй-жой-ишлаб чиқариш комплексларини қуриш ҳаракатномасини ишлаб чиқди ва амалга оширмоқда. 120 қишлоқ уй-жой комплекси лойиҳалаштириш ёки қуриш ишлари олиб бормоқда.

1987 йилдан буён ВЛКСМ Марказий Қўмитаси қошида **ёшлар уй-жой комплекслари Бутуниттифоқ маркази** ишлаб турибди, унинг асосий вазифаси жойлардаги ташкилий қўмиталарга ва музофот хўжалик ҳисобидаги марказларга амалий ёрдам кўрсатишдир. **Ёшлар уй-жой комплекслари тажриба жамоаларининг Ассоциацияси тузилди.**

Гарчи, бундай комплекслар фаолияти ёшларни уй-жой билан таъминлаш ишида кескин ўзгаришлар қилолмаган бўлса-да, у 10 минглаб кишиларда комсомол ташкилотлари кучига таянган ҳолда, ўз имкониятлари билан бундай катта муаммоларни ҳал қилиш мумкинлигини амалда кўрсатиб берди.

ЁШЛАР ФАН-ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ

Ёшлар фан-техника ижодкорлиги ижтимоий-давлат системасининг ташкилий-иқтисодий механизм шаклланди. Ёшлар фан-техника ижодкорлигининг 600 маркази тузилиши ёшлар ижодкорлигини ривожлантиришга туртки бўлди. 1987-1989 йилларда уларнинг умумий бажарган ишлари кўлами 700 миллион сўмни ташкил этди. 600 минг ёш ўз асосий ишидан бўш пайтларида ижодий жамоалар таркибида кўнгилли сифатида меҳнат қилди. Бундай жамоалар хизматидан ҳозир корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик бюролари, ширкатлар, хорижий фирмалари фойдаланмоқда.

Жумҳуриятларда, ўлка ва вилоятларда ёшлар фан-техника ижодкорлигининг мувофиқлаштириш кенгашлари ишлаб турибди, ёшларнинг техника ижодкорлиги ташкилотчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси шаклланмоқда. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва Бутуниттифоқ мувофиқлаштириш кенгаши ҳамкорликда «НТТМ-умелец» жаридаси чиқара бошлади.

Ёшлар фан-техника ижодкорлик марказларининг музофот кенгашлари жамғармасига ёш новаторлар ишлаб топган юз миллион сўм пул ўтказилди. Бу маблағ техника ижодкорлигини, компьютер клубларини маблағ билан таъминлаш, кўргазмалар ўтказиш учун сарфланади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ақлий ижодий фаолият соҳасидаги қатор ташаббусларни қўллаб-қувватлади, истеъдодли ёшларни излаб топиш ҳаракатномасини яратишнинг ташкилотчиси бўлиб чиқди. Унинг биринчи куртаклари бўлиб Бутуниттифоқ ўқув-илмий ёшлар «Союз» айракосмик жамияти, «Ёшлик» компьютр ижодкорлиги маркази, «XXI аср тафаккури» жамғармаси, Совет-Америка ўқувчиларининг «Болалар XXI аср ижодкорлари» лойиҳаси хизмат қилади.

КОМСОМОЛ ВА ҚИШЛОҚЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташаббуси билан СССР Министрлар Совети қабул қилган «Ёшларни қишлоқ хўжалигига жамоатчилик даъвати ҳаракатини янада такомиллаштириш ва кўчиб борувчиларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарори қишлоққа кўчиб бораётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг принципиал жиҳатдан янги иқтисодий ва ҳуқуқий механизми бўлди.

Ҳувиллаб қолган қишлоқларга жон ато этиш учун ВЛКСМ Марказий Қўмитаси «Комсомольская правда» рўзномасида **«Қишлоқни яшаш учун танладим», ҳаракатини бошлади.** Колхоз ва совхозларда 30 мингдан ошиқ киши ишга жойлаштирилди. **Ёшларни қишлоқларда ишга жойлаштиришнинг автоматлаштирилган «Изланиш» системаси яратилди.**

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва СССР Центрсоюзи 1989-1990 йилларда **ёш деҳқонларнинг энг яхши томорқаси учун Бутуниттифоқ конкурсини ташкил этди.** ВЛКСМ МҚ экологик жиҳатдан соф қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи **«Агроэкология» ассоциациясининг** таъсис этувчиларидан бўлди. **Ёшлар хўжалик ҳисобидаги корхоналари ассоциацияси, РСФСР Ноқоратупроқ зонаси ширкатларининг «Ёш Россия»** корхона-пайчиларнинг Россиянинг олис этакларидаги қишлоқларни қайта тиклаш, турли-туман ёшлар ҳаракатномаларини амалга ошириш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш ишини йўналтириб боради. 1990 йилдан бошлаб ёшлар учун «Ноқоратупроқ» деб номланган ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп жарида чиқа бошлади.

Ижаранинг тадбиқ этилиши, ерга мулкчилик муносабатларининг ривожлантириш комсомолдан принципиал ёндашув ва қарорлар қабул қилишни, ижарачилар иттифоқида Россия деҳқонлар хўжалиги ва ширкатлари ассоциациясида фаол иштирок этишни талаб қилмоқда.

ЗАРБДОР ОБЪЕКТЛАРГА ОТАЛИҚ: ЯНГИ СИФАТ

ВЛКСМ МҚ зарбдор қурилишларга ёшларни жўнатишда асосий кўрсаткич уларнинг сонии ҳисобланган иш усулидан бутунлай воз кечди. Ёшларни жамоатчилик чақириғини ташкил этиш системаси кўнгиллилик, шартномавий-ҳуқуқий асосга ўтказилди. Бутуниттифоқ зарбдор қурилишлари ҳақида янги Низом қабул қилинди. Уларнинг сони 65 тадан 3 тага камайтирилди. **Бутуниттифоқ зарбдор қурилишлар мақоми Ғарбий Сибирь ҳудудий-ишлаб чиқариш комплекси, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонаси ва БАМда** қолди, холос. ВЛКСМ МҚси штаблари фаолияти хўжалик ҳисобига ўтказилди. Улар ишлаб чиқариш-хўжалик бирлашмаларига айлантирилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бир қатор комсомол қўмиталарининг, СССР халқ депутатларининг мамлакатнинг Шарқий ноҳияларида ёшлар ҳудудий пудратини ривожлантириш, Узоқ Шарқ ва БАМ зонасини ўзлаштириш ва ривожлантириш Марказини тузиш ташаббусини амалга оширишга ёрдам бермоқда.

ДАВЛАТ ЁШЛАР СИЁСАТИ УЧУН

Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясизлиги яхлит давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқишни тақозо этади. **СССР Олий Советига «Ёшларнинг жамиятдаги аҳволи тўғрисида»ги маъруза тақдим этилган.** Комсомол ташкилотларида ва ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг VII пленумида ишлаб чиқилиб, муҳокама этилгач, ёшлар ишлари бўйича Қўмитаси билан ҳамкорликда СССР Олий Кенгашига **«Давлат ёшлар сиёсатининг умумий йўналишлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси** киритилди.

Давлат ёшлар сиёсатининг ташкилий асосларини тиклаш йўлидаги муҳим қадам **ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташаббуси билан СССР Олий Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича Қўмитасининг ташкил этилиши,** шунингдек, ижроия ҳокимият органларида (СССР Министрлар Кенгашида, СССР Давлат меҳнат Қўмитасида) шохобчалар тузилиши бўлди.

Ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асосларининг яратилиши конкрет ижтимоий, иқтисодий масалаларни ечишда фаол иштирок этишни таъминлади. **ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бевосита иштироки билан ижтимоий суғурта тартиби ўзгарди, ёш оилаларни, ёлғиз оналарни моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари белгиланди, корхона ва ташкилотларга ёшларга керакли ёрдамларни бериш учун тегишли ҳуқуқлар берилди, ёшлар жамғармалари ташкил этилди. ВЦСПС ва СССР Меҳнат давлат қўмитаси ВЛКСМ Марказқўми таклифи билан ёшларнинг манфаатларини тўлароқ инобатга олиш мақсадида жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда комсомол қўмиталарининг иштироки тўғрисидаги тавсияларини тасдиқлади.**

III.

ВЛКСМ XX съездининг демократлаштириш, бюрократик марказлаштиришдан воз кечиш, ёшлар билан қарийб йўқолган алоқаларини тиклаш йўли дастлабки натижаларини бера бошлади. Лекин Иттифоқимизда юз бераётган ўзгаришлар, жамият тараққиёти суръатларидан орқада қолмоқда, ҳамиша ҳам комсомоллар умидларини оқлолмаяпти.

БОШЛАНҒИЧГА — АСОСИЙ ЭЪТИБОР

Бошланғич бўғиннинг эҳтиёжлари сари бориш, бошқаришда буйруқбозликдан чекиниш, иш усул ва услубларини мустақил танлаш ҳуқуқининг берилиши съезддан кейин комсомолни янгилаш учун зарур шароитларни яратди.

Марказқўмнинг III пленуми ВЛКСМ бюро ва қўмита котибларини тўғридан-тўғри муқобил асосда сайлашни маъқуллади. Тавсия этилаётган номзодларни сайланишидан олдин суҳбатдан ўтказиш каби нотўғри тажрибага барҳам берилди. Бошланғич ташкилотлар ВЛКСМ сафига қабул қилиш ва унинг сафида қанча муддат қолишини ўзлари мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Иш юритиш ва ВЛКСМ аъзоларининг ҳисобини олиб бориш ишлари анча осонлашди.

Комсомолларнинг сайлаб қўйиладиган органлар ишидан қониқмаслиги ВЛКСМ Марказий Қўмитасига 7 та жумҳурият, 45 ўлка ва вилоят ташкилотларида уларни шакллантириш бўйича тажриба ўтказишга ундади. Тажриба сайловларни демократик шароитда ўтказиш, комсомол қўмиталари сафига чинакам фаол, ташаббускор, Иттифоқимиз қисматига бефарқ бўлмаган комсомолларни сайлаш имконини берди.

Айрим музофотларда бошланғич ташкилотларни тузиш, комсомол ҳисобини олиб бориш бўйича янгича ёндашувлар синаб кўрилди. Буларнинг барчаси янги Устав лойиҳасига аниқ таклифлар киритишга имкон берди.

Комсомол ташкилотлари ҳозир фаолиятларининг энг асосий масалаларини, уларни амалга ошириш усулларини аниқлашда мустақилликка эришдилар. Айни пайтда ижобий ўзгаришлар бошланғич ташкилотларида жуда секинлик билан бормоқда.

ВЛКСМ ТАРКИБИ ТЎҒРИСИДА

Совет федерацияси тўғрисидаги тасаввурларимизни қайта кўриб чиқиш, марказ билан алоқалар бир қадар совуган шароитда, шу жумладан, комсомолда ҳам, ВЛКСМ Марказқўми ўзининг сўнгги пленумида Иттифоқимиз тузилишининг принциплари ва таркиби тушунчаси, ундаги вазият таҳлили масалаларига бошқача ёндаша бошлади.

Литва комсомолининг XXII съезди **ЛКСМни мустақил ташкилотга — Литва Коммунистик Ёшлар Иттифоқига айлантирилганлигини** эълон қилди. Бу қарорга рози бўлмаган ВЛКСМ аъзолари ВЛКСМ таркибига кирувчи ташкилотга бирлашдилар. Юз берган ҳолат ВЛКСМ Марказқўмининг икки пленумида чуқур ўрганиб чиқилди.

Эстония Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг съезди ўз ташкилотини мустақил деб эълон қилиб, 1990 йилнинг 1 мартигача ўтиш даври деб ҳисоблаб, бу муддат тугагач, **ВЛКСМ Уставига асосланиб, фаолият кўрсатаётган Эстония ЛКСМи ўз ваколатини тугатишини билдирди.** Янги ёшлар ташкилотлари тузилди: Эстония ёшлари Уюшмаси ва Эстония ёшлари Жамғармаси. Шу билан биргаликда жумҳурият конференцияси янги Устав ва Ҳаракатномага суянган Эстония ЛКСМ фаолиятини давом эттиришга қарор қилди. Бу вазият ВЛКСМ Марказқўми Бюроси янгиланган ЛКСМЭни комсомолнинг таркибий қисми деб тан олиб, жумҳуриятда ёшларнинг бошқа ташкилотларига ҳам оёққа туриб олишда кўмаклашиш ҳақидаги таклифларини қўллаб-қувватлайди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси икки марта пленумларида Россия Федерациясининг қатор ташкилотлари ВЛКСМ ЛКСМини тузиш тўғрисида билдирган таклифлар муҳокама қилинди. Ҳисобот-сайлов даврида бўлиб ўтган мунозаралар 1990 йил февралда РСФСР комсомол ташкилотларининг съездида якунланди.

Съезд **Россия ҳудудидаги комсомол ташкилотлари кўнгиллилик асосида РСФСР Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқига бирлашиш тўғрисида қарор** қабул қилди. Делегатларнинг ваколати съезд ишини 1990 йил июнда давом эттириш якунловчи мажлисларида РСФСР ЛКСМ сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш, ҳаракатнома ва устав-норматив ҳужжатларини қабул қилиш учун чўзди.

КОМСОМОЛ КАДРЛАРИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси кадрлар билан ишлашда демократик нормаларни ривожлантириш йўлини тутди. Конкурс асосида сайлов ўтказиш кенг ривожланди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов пайтида ҳар 4 шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталарининг котиблари, ҳар иккинчи ўлка, вилоят конференцияларида котибларни бир неча номзодлардан сайлаб олишди.

Утган уч йил ичида ВЛКСМ кадрлари тўла алмашди, айрим жойларда икки-уч мартадан.

Сўров ўтказилганларнинг 57 фоизи комсомоллар демократиялаштириш туфайли комсомол раҳбар органларига муносиб ва ҳалол кишилар сайланмоқда, дейишди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Бюроси «Маҳаллий комсомол органлари аппаратини қисқартириш ва тузилмасини шакллантириш принциплари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМ Марказқўмлари, ўлка, вилоят комсомол қўмиталари аппаратларини 25,4 фоиз қисқартириш таклифини маъқуллади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси IV пленуми кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишининг асосий йўналишларини тасдиқлади. Олий комсомол мактаби, Олий комсомол мактабининг илмий-тадқиқот маркази қайта тузилди. «Олимпиец» ёшлар марказини қайта ташкил этиш лойиҳаси тайёрланди. Илгари ишлаб келган жумҳурият ва зона комсомол мактаблари заминида Киев ва Тошкентда кадр ва фаолларнинг малакасини ошириш институтлари тузилди, музофот ўқув-илмий марказлари яратилди. Маҳаллий ўқув юртлари сони 46 тадан 87 тага ошди. Уларга таълим жараёнининг асосий мазмунини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

ЯНГИ ШАРОИТЛАРДАГИ МАРКАЗИЙ САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРГАНЛАР

Марказий Қўмита фаолиятига Уставда айтилган янгиланиш, мунтазам янги кучлар келиб туриши ҳақидаги таъриф ижобий таъсир қилди. ВЛКСМ XX съездидан кейин Марказқўм состави, 15,8 фоизга янгиланди.

Марказқўмнинг II пленуми «ВЛКСМ Марказий Қўмитаси аъзолари ва аъзолигига номзодларини шакллантириш тўғрисида»ги низомни тасдиқлади. Иш йўналишлари бўйича **Марказқўм комиссиялари ташкил этилди.** Марказқўм аъзоларининг ваколатини янада пухтароқ белгилаб олиш учун **МҚ аъзосининг мақоми, доимий комиссиялар тўғрисидаги Низом, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг иш тартиби VIII** пленумда ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Доимий комиссия Марказқўм ишини режалаштириш ва пул ажратиш, фаолиятнинг энг муҳим йўналишларини, аппаратнинг тузилиши каби масалаларни ўзларига олишди. Шу билан сайлаб қўйиладиган орган ва ижро этувчи орган вазифаларини ажратиш бошланди.

(Давоми 2-бетда).

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ КОМСОМОЛ XXI СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТИ

(Боши 1-бетда).

Демократиялаштириш Марказий Қўмита фаолиятининг «сирли пардасига» барҳам берди. **Пленумлар материалларининг «Комсомольская правда» да батафсил ёритилиши, теле ва радио репортажларининг олиб борилиши иттифоқимиз аъзоларига муҳокама этилаётган масалаларнинг долзарблигини, жамиятда юз бераётган жараёнларга ҳамоҳанглигини ўз вакилларининг фаоллигини, позициясини англаб олиш имконини берди.**

МОЛИЯ: ДЕМОКРАТИЯЛАШТИРИШ ВА ОШКОРАЛИК

ВЛКСМ Устав вазифаларини бажариш учун энг мақбул шароитларни яратиш — ҳисобот даврида Марказқўмнинг молия-иқтисодий фаолиятида энг асосийси бўлди. Комсомолнинг пул маблағлари тўғрисида Низом қабул қилинди. Бюджетни марказлашган ҳолда тақсимлашдан «қуйидан-юқорига» демократик усул асосида шакллантиришга ўтилди. Ҳозир комсомол ташкилотлари ўз харажатларини ўзлари белгилашади, штатларни аниқлашади, маблағ топиш ва ишлатишни ҳал қилишади.

Иттифоқимизнинг тарихида биринчи марта ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг бюджети Марказқўмнинг молия-бюджет комиссияси томонидан тузилди, пленумда тасдиқланди ва «Комсомольская правда»да эълон қилинди.

1988-1989 йилларда **ВЛКСМ Марказий Қўмитаси хайрия мақсадлари ва ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга 61,7 миллион сўм,** жумладан ёш ногиронлар ва ночор аҳволдагилар учун 50 миллион сўм, Арманистон ва Тожикистондаги зилзила талофатларини бартараф этишга эса 7 миллион сўм пул ажратди.

1989 йилнинг охирида **бошланғич ташкилотлар томонидан пул маблағларини қайта тақсимлаш жараёни бошланди.** Бунга «АвтоВАЗ» комсомолларининг аъзолик бадалларининг 70 фоизини ўз эҳтиёжлари учун ишлатишга қарор қилганлари мисол бўла олади. Бошланғич ташкилотлар ва юқори органлар ўртасида зиддиятлар келиб чиқа бошлади. Аҳвол ВЛКСМ аъзолари сони камайиши туфайли умумий даромаднинг тушиб кетиши, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг VIII пленуми комсомол ходимларининг маошларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилгач, янада кескинлашди.

Аянчли молиявий аҳвол юзага келди.

	ВЛКСМ МҚси бюджетига комсомол ташкилотларидан тушган пул (млн. сўм)	ВЛКСМ МҚтаси бюджетидан қарз олиш (млн. сўм).
1987 й.	32,1	57,8
1988 й.	7,5	62,3
1989 й.	9,5	76,0
1990 й.	0	172,2

Бундай шароитда комсомол ташкилотлари фаолиятини пул билан таъминлаб туриш учун ВЛКСМнинг суғурта запасидан қўшимча маблағ берилди. (1989 йилда 23 миллион сўм ва 1990 йилда 93 миллион сўм).

Пул маблағларидан фойдаланиш эндиликда иқтисодий масаладан сиёсий масалага айланмоқда. Иттифоқимизда шаҳар, ноҳия, вилоят қўмиталари бошланғичларга «хўжайинлик» қилишдан бошланғичларнинг ўзлари томонидан тузилган органларга айланмоқда.

ПАРТИЯ ВА КОМСОМОЛ: ЯНГИ МУНОСАБАТЛАР САРИ

Жамиятимизда тез суръатлар билан юз бераётган ўзгаришлар, сиёсат саҳнасига янги куч ва ҳаракатларнинг чиқиши, КПССнинг мамлакат ҳаётидаги ролини қайта тушуниш ва партиянинг ичидаги жараёнлар ВЛКСМ МҚсини партия билан комсомол муносабатларида янгича ёндашувлар излаб топишга мажбур этди. Партия XIX Бутуниттифоқ конференцияси делегатлари — комсомол ходимларининг қистови билан унинг қарорига ёшлар яхлит давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, комсомолга партия раҳбарлиги тўғрисидаги ленинча принципларни тиклаш, ВЛКСМнинг ташкилий мустақиллигини ҳурмат қилиш, партия сиёсатини ишлаб чиқишда комсомолнинг иттифоқини таъминлаш масалалари киритилди.

Жамият ҳаётининг демократиялаштириш партия ва комсомол қўмиталари муносабатларига ўз нуқсини урди.

Комсомол ташкилотларига партиявий раҳбарликнинг таъсири тўғрисидаги социологик тадқиқотнинг якунлари (фоиз ҳисобида)

	Комсомоллар ва ёшлар 1988 й.	Комсомоллар ва ёшлар 1989 й.	Комсомол ходимлари 1988 й.	Комсомол ходимлари 1989 й.
— ижобий таъсир	30	12	28	20
— кучсиз таъсир	25	26	33	30
— ҳеч қандай таъсир	17	19	20	17
— комсомолдаги қайта қуришни орқага тортмоқда	9	17	17	22
— жавоб беришга қийналаман	18	25	4	11

Янгиликка ўч партия қўмиталари ўз фаолиятларини комсомол билан ҳамкорлик асосида қуришга ўтишмоқда. Тожикистон Компартияси ва ЛКСМ МҚталарининг, Астрахан, Ленинград вилоят партия ва комсомол қўмиталарининг биргаликдаги пленумлари, кўплаб ҳисобот-сайлов конференцияларида, биринчи навбатда, Волгоград ва Петрозаводскда комсомол фаоллари кўплаб сиёсий масалаларда, ҳатто КПССда юз бераётган жараёнларга ҳам ўз мустақил муносабатлари борлигини намоён қилди.

Лекин барибир партия ва комсомолнинг иш усуллари кўп жойларда ҳали ўзгаргани йўқ.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг комсомолнинг партия ва бошқа давлат органлари билан муносабатларини қайта англашдаги қатъиятсизлиги, партияда қайта қуриш ҳаракатининг радикал ва консерватив кучларига нисбатан аниқ позициясининг йўқлиги ёшларнинг сиёсий фаол қисми ўртасида ишончсизлик туғдирди.

IV.

Социалистик қурилишнинг назарий ва амалиётдаги ақидапарастлик билан алоқани кескин узиш, янги социалистик реаллик, жамиятдаги ошкоралик ва фикрларнинг хилма-хиллиги ВЛКСМ Марказий Қўмитаси олдига мафкуравий ишни тубдан қайта қуриш, мана шу фаолиятни чуқурлаштириш, янги тажрибани излаш, ўрганиш, умумлаштириш ва қўллаб-қувватлаш томонига урғу беришга алмаштириш заруратини қўйди.

МАФКУРАВИЙ АҚИДАЛАРДАН ХАЛОС БЎЛА БОРИБ

XX съезддан кейин ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий комсомол мактаби илмий-тадқиқот марказида ташаббускор бирлашмаларнинг муаммоларини ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳи, махсус илмий бўлинма тузилди. Ёшлар уюшмалари тўғрисида ахборотларнинг банки шаклланмоқда. Белоруссия, Куйбишев, Новосибирск, Свердловск вилоятлари, Москва, Киев шаҳарлари комсомол қўмиталарининг иш тажрибалари умумлаштирилди; Латвия, Литва, Ўзбекистондаги фуқаролар ташаббуслари ҳаракатларининг ҳаракатнома йўл-йўриқлари таҳлил этилди. Олинган ахборот-таҳлил материаллари зудлик билан комсомол қўмиталарига юборилиб турилди.

1988 йил октябрида **сиёсий клубларнинг «РКСМ I съезди: 70 йил ўтгач» Бутуниттифоқ учрашуви бўлиб ўтди.** У мулоқот ёшлар сиёсий уюшмалари билан самарали тенг ҳуқуқли ҳамкорлик намунаси бўлиб хизмат қилди.

Бутуниттифоқ байналмилал ҳаракат кенгашининг ахборот — мувофиқлаштириш кенгаши, ёш тарихчиларнинг Бутуниттифоқ ассоциацияси, халқаро ёшлар ташаббуслари, миллатлараро муносабатлар масалалари билан шуғулланувчи ёш олимлар - жамиятшуносларнинг ассоциациялари тузилди.

Йирик ишчилар ҳаракатлари вакиллари билан алоқалар ўрнатилмоқда. 1990 йил февралида иш ташлаш қўмиталари раҳбарлари, олимлар-сиёсатдонлар ва комсомол ходимларининг иштироки билан «Комсомол ва ишчилар ҳаракати» «давра столи» ўтказилди.

Ёшларнинг муаммоларини илмий тадқиқ қилишни мувофиқлаштиришга, ана шу тадқиқотларни ва унинг мавзувий секцияларини мувофиқлаштириш юзасидан идоралараро Кенгаш ишини ташкил этишга катта куч-ғайрат йўналтирилди. Ёш олимлар-жамиятшуносларнинг бир қатор Бутуниттифоқ мактаблари, илмий конференциялар, семинарлар ўтказилди.

Ана шундай ёндашиш ВЛКСМ тарихий тажрибасига ҳам янгича қараш имкониятини берди. **1988 йилда ташкилотнинг 70 йиллигини** байрам қилиниши тантанавор маросим тадбири бўлмай, балки иттифоқнинг тарихий зиддиятларига мурожаат қилиш, мамлакат, жамият тараққиёти боришидан ажратилмаган ҳолда аввал ёпиқ бўлган саҳифаларни мушоҳада этишга сабаб бўлди.

Марказий Қўмита Секретариати **комсомол тарихи муаммоларини чуқур ўрганишнинг ҳаракатномасини қабул қилди.** «ВЛКСМ тарихи очерклари» устида иш олиб бориш, ВЛКСМ I-X съездларининг ва Бутуниттифоқ конференцияларининг стенографик ҳисоботларини чоп этиш юзасидан иш бошланди. Комсомол тарихи фанида дастлабки қайта қуриш якунлари 1989 йил мартида «ВЛКСМ 70 ёшда: тарих, тажриба, муаммолар» Бутуниттифоқ конференциясида [illegible] қилинди.

Ёшлар ва комсомол муаммоларини чуқур ишлаб чиқиш учун ижтимоий фан эга бўлган имкониятлардан фойдаланишда дастлабки қадамлар қўйилди, холос.

МИЛЛИЙ ОМИЛЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ БИЛАН

СССР халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисида [illegible] воз кечиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси байналмилал ишнинг шаклларини ва усулларини қайта мулоҳаза қилиб чиқди. Асосий куч-ғайрат ёшлар муҳитида вазиятни барқарорлаштиришга, миллатлараро низоларнинг олдини олишга қаратилди.

Ёшларнинг ватанпарварлик ва байналмилал тарбиясини қайта қуришга комсомол қўмиталарининг куч-ғайратлари мувофиқлаштириш ва эътиборларини қаратиш мақсадида КПСС Марказий Қўмитасининг Пленумига таклифлар тайёрлаш пайтида ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг IV пленуми томонидан **иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар, мухтор вилоятлар ва мавзелар комсомол қўмиталарининг биринчи котибларининг доимий кенгашини ташкил этди.**

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий комсомол мактабининг илмий-тадқиқот марказида миллатлараро муаммолар лабораторияси тузилди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий комсомол мактаби ва ёшлар муаммоларини мувофиқлаштириш юзасидан Кенгашнинг секциялари билан биргаликда туркум учрашувлар ва «давра столлари», илмий-амалий конференциялар, «Комсомол ва Шимол элатлари» (Ханти — Мансийск шаҳрида) илмий-сиёсий практикуми ўтказилди. Ульяновскда байналмилал дўстлик кунлари, Қарағандада байналмилал ҳафталик бўлиб ўтди. Екутистонда Шимол халқлари I ёшлар фестивали ўтди.

КОМСОМОЛ МАТБУОТИ — ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ФАОЛ КУЧИ

Ёшлар матбуоти XX съезддан сўнг ўз руҳи ва мазмунини ўзгартириб, ёшлар муҳитининг таъсирчан кучига айланиб, сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди. У жамиятда [illegible] туб ўзгартиришларни амалга оширишнинг тезлаткичига айланди. Ёшлар оммавий ахборот воситасининг ҳужумкор позициясиси [illegible] комсомол босиб ўтган уч йил яна узоқ даврга анча чўзилиб кетган бўларди.

«Комсомольская правда» ВЛКСМда қайта қуриш муаммоларига бўлган жамоатчилик қизиқишини уйғотишга кўпгина ишлар қилди. [illegible]

Ёшлар матбуотининг фаолиятидаги янги тенденциялар ВЛКСМ Марказий Қўмитаси диққат марказида бўлди. Марказий Қўмита Бюроси ва Секретариати «Комсомольская правда» рўзномасида СССР халқ депутатлари I Съездининг ёритилиши тўғрисида», «Смена» жаридаси ва «Собеседник» ҳафталиги [illegible] ВЛКСМ XX съезди қарорларини [illegible] ва бажарилишини ташкил этишда журналистларнинг роли тўғрисида» ва бошқа масалаларни кўриб чиқди. Минскда, Москвада, Ригада ўтган ёшлар нашрлари муҳаррирларининг семинарлари, ёш журналистларнинг Бутуниттифоқ кенгашларида, Тбилисида [illegible] матбуоти фестивалида булар асосий муаммолар бўлди.

Ёшлар нашрлари билан ишлашга ёндашиш баҳамжиҳатлик ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлаш томонига ўзгарди. Рўзномаларга ва жаридаларга аппарат усулларида раҳбарлик қилиш амалда [illegible] камдан-кам учрамоқда. [illegible]

[illegible] ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан [illegible]

Комсомол матбуотининг оммавийлиги [illegible] «Комсомольская правда» [illegible] 20 миллион нусха [illegible] 1987 йил [illegible] 85 миллион нусхадан [illegible]

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ташаббуси билан ва қўллаб-қувватлашида ТАСС ёшлар тематик туркумлари, мусиқий ахборот-тижорат жаридаси «Металл-Хаммер» босиб чиқарилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «Молодая гвардия» нашриёт-матбаа бирлашмаси фаолияти тубдан қайта қурилди. Қарийб минг номда 110 миллион нусхадан ортиқ китоб чиқарилди.

Шу билан бирга сўнгги 20 йил мобайнида қоғознинг етишмаслиги, унинг сифати пастлиги туфайли китоблар чиқариш [illegible]. Валюта маблағининг йўқлиги туфайли янги ёшлар жаридаларини ташкил этиш тўғрисидаги қарор бажарилмай қолаяпти. Матбаа базаларини техник қайта жиҳозлаш суст амалга оширилаяпти.

Марказий телевидениенинг **ёшлар учун телепрограммалар Бош редакцияси:** «Сизни ёшлар редакцияси таклиф этади», «Ёшлар хабарлари», «Аукцион» янги программалар ташкил этди. «Қувноқлар ва топқирлар клуби»нинг конкурслар кўрсатуви қайта тикланди. Телетомошабинлардан ўтказилган сўровлар бўйича «Нигоҳ» Марказий телевидениенинг барча программалари ўртасида [illegible] касб этган. 1990 йилда **ёшлар учун радиопрограммалар Бош редакциясининг эшиттиришлари** ҳажми анча кўпайтирилди. Эндиликда «Юность» радиостанцияси ҳафтасига ҳаво мавжларида 38 соат жаранглаламоқда, [illegible]

КОМСОМОЛ ВА ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Комсомолнинг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, Ватанни ҳимоя қилишга шайлик ва қобилият руҳида тарбиялаш юзасидан ишга янгича ёндашишлар ривожланаётир.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Ватан ҳимоячиларини, байналмилал-жангчиларнинг хотираларини абадийлаштириш, Улуғ Ватан урушида [illegible] ветеранларини излаб топиш, [illegible] қўллаб-қувватлади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузурида ҳарбий-тарихий клублар [illegible] тузилди. [illegible]

Мудофаа-ватанпарварлик ишлари мазмуни янгиланди. [illegible]

[illegible]

ЁШЛАР. МАДАНИЯТ. СПОРТ

[illegible]

қизларни ошно қилиш вазифасини олдилар, бироқ, турли хил тўралар томонидан ўз фаолиятини тижоратга айлантиришда айблаб, ҳужумлар бўлди. Ана шу ҳужумларнинг сабабларини яхши англаган ҳолда комсомол Марказий Қўмитаси улар қандай эзгу истаклар билан пардаламасинлар ҳар қандай маҳкамаларнинг яккаҳокимлигига кескин қарши чиқади.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасида ишлаб чиқилган ҳужжатлар асосида кўпгина ҳаваскорлик уюшмалари, қизиқишлар бўйича клублар, ёшлар маданият марказларини, театрлар, студиялар, ижодий устахоналар, хайрия ва маориф-оқартув бирлашмалари тузилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташаббуси бўйича ёш адиблар, кинематографчилар, театрлар-студиялар раҳбарларининг Бутуниттифоқ кенгашлари, ёш бастакорларнинг Бутуниттифоқ фестивали бўлиб ўтди. СССР Маданият вазирлиги билан биргаликда социалистик мамлакатлар ижодкор ёшларнинг фестивали, СССР Рассомлар уюшмаси билан биргаликда комсомол 70 йиллигига бағишланган ёш рассомларнинг Бутуниттифоқ кўргазмаси ўтказилди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси қўллаб-қувватлашида ёш кинематографчиларнинг Бутуниттифоқ уюшмаси, театр студияларнинг ассоциацияси, мусиқачилар, меъморлар, адиблар бирлашмаси, болалар ва ўсмирлар учун кино ва телевидение Бутуниттифоқ маркази, кинодўстлари Жамияти, «Мусиқа санъати мактаби», театр студияси, фантастика ишқибозларининг Бутуниттифоқ клублар кенгаши тузилди.

Комсомол томонидан қўллаб-қувватланаётган ҳаракатлар-муаллифлик ва сиёсий қўшиқлар клублари, экология маданий йўналиш уюшмалари ривож топди. Тарих ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш Бутунроссия жамияти, Бутуниттифоқ мусиқа жамияти билан ҳамкорликдаги иши фаоллашди.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ВЛКСМ иши янги мазмун билан тўлиб бормоқда. Марказий Қўмита фаолиятига урғу беришлар ёшлар ташаббусларини рўёбга чиқариш механизмларини яратиш томонига алмашмоқда.

Аҳоли ўртасида спорт мусобақаларини, соғломлаштириш ишини ташкил этишни комсомол қўмиталари тузган ёшлар марказлари, уюшмалари ўз зиммаларига олмоқдалар. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузурида «Юниспорт» бирлашмаси тузилган. Янги спорт қизиқишларини, миллий спорт турларини қўллаб-қувватлаш, спорт анжомлари ишлаб чиқариш, ёрқин оммавий байрамлар, рекламалар ташкил этиш — унинг вазифасига кирадиган тўла бўлмаган рўйхати.

Комсомол қўмиталари молиявий қийинчиликлар бўлишига қарамай, «Олтин шайба», «Чарм тўп» ва бошқа болалар, ўсмирлар клубларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Янги ташкил этилган «Самбочи» ва «Баскетбол снайперлари» клублари ривожланиб бораётир.

ЁШЛАР ТУРИЗМИ

«Спутник» маршрутларида **17 миллиондан зиёд йигит ва қиз бўлди, хизмат кўрсатиш ҳажми 1 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди.** Халқаро туристик алмашишларда қарийб 1,5 миллион киши иштирок этди. «Спутник» фаолияти кўп даражада ёшларнинг касб-кор ва билим орттириш манфаатларига йўналтириладиган бўлиб қолди. Оилавий туризм кўлами беш карра ўсди.

1989 йил январидан бошлаб ёшлар туризми системаси хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлаяпти. Ёшлар туризмининг маҳаллий Бюроларига халқаро туристик алоқаларни мустақил амалга ошириш ҳуқуқи берилган. Бу ёш совет туристларини хорижга саёҳатга бориш миқдорини йилига юз мингдан зиёдга кўпайтириш имкониятини берди.

Маблағнинг катта миқдори **туризмнинг моддий базасини мустаҳкамлашга** йўналтирилди. Львовда, Бухорода, Ворошиловградда янги меҳмонхоналар фойдаланишга топширилди. Туризмнинг фаол шаклларини ривожлантириш ҳаракат дастури ишлаб чиқилди. Хўжалик ҳисобидаги «Спорт фирмалари» ва «Саргузашт» клуби ишга тушди. Уларнинг хизматидан 160 мингдан зиёд киши фойдаланди.

V.

Таълимни инсонпарварлаштириш ғояси, СССРда таълимнинг барча системасини демократик янгилаш, ҳамкорлик педагогикасини, новаторлар ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг мактаб қурилиши, олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

КОМСОМОЛ ВА МАКТАБ

Қайта қуриш шароитида комсомол ва мактабнинг баҳамжиҳатлиги муаммолари ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар Марказий Советининг қўшма пленумида (1988 йил май) кўриб чиқилди, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва СССР Халқ таълими давлат қўмитасининг бир қатор биргаликдаги қарорлари ва акцияларида ўз ифодасини топди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Секретариати томонидан комсомол ташкилотларининг умумий ўрта, касб-кор ва узлуксиз таълимни қайта қуриш ҳаракат дастури, халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съездига (1988 йил декабрь) мактаб ва ҳунар-техника таълими тўғрисидаги низомлар лойиҳалари юзасидан таклифларини умумлаштирди.

Ёш истеъдодларни излаш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот маркази, еттита музофот болалар компьютер лагери, ёш темирйўлчилар жамоат жамғармаси ташкил этилди, интеллектуал ижодий ўйинлар, ёш денгизчилар Бутуниттифоқ клубларини ташкил этиш юзасидан тайёргарлик иши поёнига етказилмоқда.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ташаббуси бўйича ўқишдан ташқари бўш вақтларда талабаларни ишга қабул қилиш пайтида ёш чегараланиши камайтирилди, улар учун ижтимоий ҳимоя қилиш системасининг элементлари — ҳақ тўланиладиган отпуска, бетоблик варақаси, касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқи, амалда ишланган вақти умумий меҳнат стажига қўшилиши жорий қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар 1,2 миллиондан зиёд талабани ишга жойлаштириш имконини берди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг етим болалар ва ота-онасининг ғамхўрлигисиз қолган болаларга таълим ва тарбия беришни тубдан яхшилаш юзасидан таклифи СССР Министрлар Советининг (1987 йил июль) тегишли қарорида тўла эътиборга олинди. Бутуниттифоқ кашшофлар лагерларида 16 минг етим бола, ота-онасининг ғамхўрлигисиз қолган бола дам олди.

Совет болалар жамғармасининг «Саховатли қалб» «Умид», «Бола ҳаёти», «Бола тақдирида иштирок этиш» ҳаракатномаларини маблағ билан таъминлашга 5 миллион сўм ажратилган. Кировдаги Лепсе номли электр машинасозлик заводи ҳузурида етим болалар учун экспериментал таълим-тарбия комплекси қурилишига 1 миллион сўм ажратилган.

ВЛКСМ XX съездининг топшириғига мувофиқ равишда СССР педагогика Фанлари академияси билан биргаликда комсомолнинг истиқомат жойларида ўсмирлар билан ишини қайта қуриш ҳаракатномасини экспериментал текшириб кўриш ўтказилмоқда.

Комсомол ижодий ишлаётган ёш педагогларни қўллаб-қувватлади. ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг етти лабораториясида етакчи педагоглар — новаторлар бошчилигида 2 мингдан зиёд ёш ўқитувчи касб-кор маҳоратини оширди.

Ўқувчи-комсомолларнинг бир қисми ВЛКСМ ичида ўз ўрнини белгилаб олишга, ноҳия, шаҳар, жумҳурият доирасида ўзларининг бошқарув органлари билан ўқувчи комсомол ташкилотларининг уюшмаларини ташкил этишга **интилмоқда.** Ҳар бир шаҳарда, ноҳияда амалда юқори синф ўқувчилари — комсомолларнинг штаблари ишлаб турибди, юздан зиёд мактаб ўқувчилари шаҳар, ноҳия қўмиталари ташкил этилган, Бир қатор жойларда ўқувчи ёшлар, ўсмирлар иттифоқлари тузилаяпти.

ТАЛАБАЛАР ВА КОМСОМОЛ

Комсомол Марказий Қўмитаси талабаларнинг ижтимоий фанлардан дарс беришни тубдан ўзгартириш, ҳарбий кафедралар фаолиятини қайта қуриш тўғрисидаги талабларни қўллаб-қувватлади, талабалар ва мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига асоссиз жалб этишга қарши чиқди.

КПСС Марказий Қўмитасининг қўллаб-қувватлашида ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташаббуси бўйича СССР халқ депутатлари: талабаларни Совет Армиясига чақиришни кечиктириш, ҳарбий хизматчи бўлган талабаларни муддатдан олдин запасга бўшатиш, олий ўқув юртларида талабаларнинг кўнгилли ҳарбий тайёргарлиги, авиатранспортда имтиёзларни тиклаш, уларнинг қишлоқ хўжалиги ишларида кўнгилли қатнашишларидек ғоят ўткир муаммоларни кўйишга қарор бердилар. Талабалар жамоаси олимлар кенгашларига ўз вакилларини сайлаш ҳуқуқини қўлга киритдилар. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси СССР Халқ таълими давлат қўмитаси ва ВЦСПС билан биргаликда «талаба оиласи» ижтимоий-давлат ҳаракатномаларини ишлаб чиқиш, жуда муҳтож бўлган талабалар ва ўқувчиларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш жамғармалари, Бутуниттифоқ талабалар жамғармасини ташкил этиш, стипендияларнинг минимал миқдорини ошириш ташаббускори бўлиб чиқди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси талабалар — табобатчилар, ҳуқуқшунослар, журналистлар ассоциациясини, кон, геология, нефть ва металлургия олий ўқув юртлари ва факультетларининг Бутунитифоқ талабалар ташкилотларининг кенгашини тузишда моддий техник, методик ва ташкилий ёрдам кўрсатди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси СССР Халқ таълими давлат қўмитаси, ВЦСПС жамият, ёшлар ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлган **Бутуниттифоқ талабалар анжуманининг** таъсис этувчилари бўлдилар. Талабаларнинг мамлакат олий сиёсий раҳбарияти билан мулоқотида анжуман қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлашини баён қилди, диққат-эътиборни олий ва ўрта махсус мактабларнинг галга солиб бўлмайдиган муаммоларини ҳал этишга қаратишга ёрдам берди, олға қараб бориш, талабаларни бирлаштириш имкониятини беришга, қайта қуриш ва жамиятни, комсомолни янгилаш манфаатлари йўлида фаол ҳаракатлар қилишга уйғотишга асос қўйди.

VI.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ КАШШОФЛАР ТАШКИЛОТИ ТЎҒРИСИДА

XX съезд, умумкашшофлар мунозараси ва ундан кейин бўлиб ўтган кашшофларнинг IX Бутуниттифоқ слёти ВЛКСМ Марказий Қўмитаси олдига В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилотига янгича қараш заруратини қўйди.

Кашшофлар раҳбарлик органларнинг, шу жумладан, комсомолнинг айби билан кўп йил фаолият қобилиятининг йўқотишини эътиборга олиб, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси, биринчидан, Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилотини янгилашнинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш юзасидан ишни ташкил этди, иккинчидан эса, кашшофлар жамоаларининг ўзига мустақил хатти-ҳаракат ва фикр юритиш ҳуқуқини берди.

Бу кашшофлар ташкилотига кўп жиҳатдан эркинликка чиқиш имкониятини берди. Унинг турмушида қизиқарли куртаклар пайдо бўла бошлади. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ кашшофлар ташкилоти Марказий кенгашининг (1988 йил май) қўшма пленуми, «Артек»да кашшофлар қайта қуриш фаолларининг Бутуниттифоқ йиғини, бошқа йирик воқеалар туркуми, ниҳоят, кашшофлар ходимларининг Бутуниттифоқ конференцияси (1990 йил март) ташкилотни кенг фуқаролик, кашшоф шахсининг ахлоқий ривожланиши вазифаларига жавоб берадиган сифат жиҳатдан янги ҳолатга кўтарди.

1990 йил сентябрида кашшофлар X Бутуниттифоқ слёти бўлади. Ташкилотнинг Устави лойиҳасини муҳокама этиш бораяпти.

«Қайта қуриш шароитида болалар, ўсмирлар ва кашшофлар ташкилоти» илмий тадқиқоти поёнига етаяпти, болалар ҳаракати муаммоларини тадқиқотчилари ассоциацияси тузилган. Кашшофлар жамоаларини турли хил жамоатчилик ва давлат кучлари билан кенг ҳамкорлигини таъминловчи янги ҳаракатномалар мажмуаси амалга оширилаяпти. Кўнгилли, ижтимоий, мустақил ва ўз-ўзини бошқарадиган, кўп миллатли, инсонпарвар ва демократик социализм идеалларига йўналтирилган кашшофлар ташкилоти сари йўл тутилган.

VII.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ХАЛҚАРО ФАОЛИЯТИ

Халқаро сиёсатдаги туб ўзгаришлар ВЛКСМ Марказий Қўмитасидан халқаро фаолиятнинг шаклларини тубдан янгилашни тақозо этди.

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси социалистик мамлакатлар ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга марказий ўрин ажратди. Шарқий Европа мамлакатларида содир бўлаётган ўзгаришлар ВЛКСМ Мрказий Қўмитасидан ана шу мамлакатлар билан ёшлар ҳамкорлигининг шакллари ва мазмунини қайтадан мулоҳаза қилиб кўришни тақазо этади. ВЛКСМнинг Хитой Халқ Жумҳурияти ёшлар ташкилотлари билан алоқалари йўлга қўйилганлиги сезиларли воқеа бўлди.

Коммунистик, инқилобий демократик ёшлар ташкилотлари, миллий-озодлик ҳаракатлари билан ҳамкорлик янада ривож топди.

XX съезднинг янгича сиёсий мушоҳада қилиш принциплари асосида турли хил сиёсий йўналишдаги ёшлар ташкилотлари билан алоқаларни ривожлантириш йўлини амалга ошира бориб, ВЛКСМ социалистик, социал-демократик ёшлар иттифоқлари, ёш либераллар ва радикаллар, христиан демократлар, консерваторлар, нуфузли ҳукумат ташкилотлари бир қатор мамлакатларнинг ёш сиёсий арбоблари ассоциациялари билан алоқаларни анча мустаҳкамлашга эришди.

«Совет ёшларининг кенг қатламлари чиқиши билан «халқ дипломатияси» ғоясини ривожлантириш доирасида ноанъанавий ҳамкорлик шакли «Некст стоп — Совъет» халқаро ёшлар кампанияси тадбирларини ўтказиш бўлди.

1989 йил ёзида Пхеньянда бўлиб ўтган **ёшлар ва талабаларнинг XIII Жаҳон фестивали** муҳим воқеа бўлди. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси Халқаро Демократик Ёшлар Федерацияси ва Жаҳон Талабалар Иттифоқи фаолиятларини янгилаш ва демократиялаш жараёнига фаол қўшилди.

ВЛКСМни ривожлантиришнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, халқаро фаолиятни иттифоқнинг амалий эҳтиёжларига йўналтириш бошланди. Таълим, маданият, касб-кор тайёргарлиги, ёшлар муаммоларини ҳал этиш, иқтисодиёт ва илмий-техник лойиҳаларда қатнашиш, ёш олимлар, мутахассислар, етакчи ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг индустриал ривожланган мамлакатларда иштироки сингари йўналишлар юзасидан алоқаларни ривожланишига урғу бериш билан алмаштирилмоқда.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг Халқаро комиссияси тузилиши ва фаолият кўрсатиши халқаро ишларни демократиялаштиришнинг муҳим қисми бўлди. ЛКСМ Марказий Қўмиталарига, ўлка, вилоят комсомол қўмиталарига халқаро алоқаларни юритишнинг катта қисми берилди.

ВЛКСМНИНГ СССР ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИГИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

ВЛКСМнинг барча совет ёшлари манфаатларига ваколат ҳокимлигидан воз кечиши фақат хориждагина эмас, балки мамлакат ичидаги ёшлар ҳаракатларидаги барча кучлар билан тенгҳуқуқли мулоқот ва ҳамкорлик бошлашга туртки бўлди.

СССР Ёшлар ташкилотлари қўмитасининг 1989 йил декабрда бўлган умумий йиғилишида ёшлар тузилмаси ташкил этилди, унда умумиттифоқ, жумҳуриятлар уюшмалари, шунингдек, бошқа ёшлар тузилмаларини шакллантириш қайд қилинган. Халқаро соҳада ҳамкорлик юзасидан эришилган барча ижобий нарсалардан воз кечилмаган ҳолда Қўмита эндиликда мамлакатнинг турли хил ташкилотлари, шу жумладан, энди шаклланаётган ташкилотлари билан биргаликда фаолият кўрсатади, давлат ҳокимияти органлари, совет жамоатчилиги олдида ёшлар позициясини ҳимоя қилади.

ВЛКСМ ташкилотнинг аъзолик ҳуқуқилиги турли хил йўналишлардаги ёшлар ташкилотлари билан алоқалар ва ҳамкорликни фаоллаштириш имкониятини беради.

VIII

ВЛКСМДА ҚАЙТА ҚУРИШ: УЧ ЙИЛНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳисобот даврида нималарни амалга оширганлигининг якунини чиқариб, энг асосийларини кўрсатиб ўтамиз:

Марказий Қўмита фаолиятида биринчи навбатдаги йўналишлар ВЛКСМ XX съезди қарорларига жавоб беради. Ҳозирда комсомол демократик ижодкорликнинг кенг майдонига чиқаяпти ,ўзини реал сиёсат ва қонунлар ишлаб чиқаришнинг субъекти эканлигини ҳис этаяпти. У янги вазифалар ва ҳислатларни ҳосил қилаяпти, улар орасида — унинг аъзолари ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ўсиб келаётган шахснинг ҳар жиҳатдан ва уйғун ривожланиши учун реал шарт-шароитлар яратиш, жамоатчиликнинг эътиборини ёш авлод муаммоларига қаратиш, давлат ёшлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол қатнашиш, мунтазам янгиланиб бораётган инсонпарвар ва демократик социализм шароитида йигит ва қизларни тўлақонли мазмунли турмушга тайёрлаш бор. Фанда, ишлаб чиқаришда, таълимда, маданиятда ёшларнинг инновацион тузилмасининг кенг тармоқларини яратишда, хўжалик ҳисобидаги марказлар, ширкатлар ташкил этишда комсомолнинг ҳиссаси муҳимдир.

Комсомол турмушида ўзгаришларнинг ҳал қилувчи шарти, ВЛКСМ XX създидан кейинги ўтган йиллар тажрибаси кўрсатганидек, ички иттифоқ турмушини ҳар жиҳатдан демократиялаш ҳисобланади. Бошланғич ташкилотларнинг асосий, кенг ҳуқуқ ваколатлари берилиши, муқобиллик асосида сайловлар, «қуйидан» то «юқоригача» демократик назорат, ташкилий тузилишнинг принциплари ижодий ривожланиши ВЛКСМ янгиланишининг базаси бўлди.

Ёшлар ҳаракатларида якка ҳукмронликдан кўнгилли воз кечиб, комсомол реал фикрлар хилма-хиллиги учун тарафдор бўлиб чиқди. Инсонпарвар, демократик социализм учун тарафдор бўлган мамлакатдаги барча ёшлар ҳаракатлари отрядлари билан самарали мулоқот ва биргаликда бунёдкорлик ишлари учун ВЛКСМ очиқ. У мамлакатда сиёсий иноқлик ижтимоий структурасини яратишни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ижтимоий ўзгаришларнинг жўшқинлигига ҳамиша ҳам ҳамнафас бўла олмади. Эскича ёндашишлар ва бир қолипда, ақидапарастлик ва фикрлашишларнинг сустлиги, хато қилиб қўйишдан чўчиш, ҳамиша партияга «қараш» билан ҳаракат қилиш одати, жамиятда ва комсомолдаги вазиятга реал баҳо бера олмаслиги бўлди. Лекин ана шу нуқсонлар ВЛКСМ Марказий Қўмитасига ҳам, комсомолнинг бошқа тузилмаларига ҳам хосдир, мамлакат ва жамият ривожланишидан ажралган ҳолда кўриб чиқилиши мумкин эмас.

*. Бу ўриндаги ва ундан кейинги маълумотлар ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ҳузуридаги Олий комсомол мактаби илмий-тадқиқот маркази томонидан 1988 ва 1989 йиллардаги тадқиқотлар маълумотлари келтирилади.

Нуқтаи назар



Азим СУЮН — СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш кенгашининг масъул котиби.

«Менинг осмоним», «Зарб», «Замин тақдири», «Хаёлот», «Зиё йўли», «Жавзо», «Олис тонглар» каби шеърий китоблар муаллифи.

Азим Суюн ўз шеърлари, публицистик мақолаларида халқимиз турмушининг энг муҳим масалаларини кўтаради, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этади.

Яқинда Азим Суюннинг номзодини Самарқанд вилоят Пойариқ ноҳия 309-Наримонов сайлов мавзесидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига кўрсатишди. Натижа олдинда. Ҳақгўй шоиримиз ва унинг сайловчиларига омад тилаймиз.

Азим СУЮН

Тараққиёт талаби

БУГУН онда-сонда бўлса ҳам «биз ҳуқуқий давлат тузмоқчимиз», «жумҳуриятимизнинг тўла мустақиллиги учун курашамиз» каби иборалар қулоққа чалинмоқда, даврий матбуот саҳифаларида кўзга ташланмоқда.

Бу табиий ҳол. Муҳит, маънавий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт шунга олиб келди.

Бир асрнинг нари-берисида халқимиз нималарни бошидан кечирмади. Боболаримиз кўкраги чор Россияси ҳукумати (рус халқининг эмас) қўшинларининг найзаларига нишон бўлди. Эрк ҳуқуқи, ер билан яксон қилинди, ғурури, номуси топталди. Саводхон ўлка саводсизликка юз тутди. Ахлоқий, маърифий-маданий қашшоқлик одатий ҳолга айланди. Бош кўтарганлар дорга тортилди, «Сибирь» қилинди, турмаларда чиритилди.

1917 йил февраль ойида Россияда буржуа-демократик инқилоб амалга оширилди. Бу инқилобга катта умид боғлаган Муфти Муҳаммадхўжа Беҳбудий «Улуғ Туркистон» газетасида: «Билмоқ керакки: ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, диния ва сиёсиясини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади. Дунё жиҳодгардир. Жиҳод-жаҳд ва жиҳодни шакли ҳар замонда бошқа бўлур... Ҳозир бизни жиҳодимиз фикр, газет ва басират ҳамда иттифоқ ила бўлур. Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасин ва бизни ҳам бошқаларға таҳдид қилмоққа асло фикр ва ниятимиз йўқ», — деб ёзди. Аммо Керенский ҳукуматининг Туркистонга мухторият бермоқчи бўлган ваъдаси қолиб кетди... Ленин инқилоби йўлини эса олти-етти йил ўтмасдан бошқа изга солиб юбордилар...

Халқимиз ўз уйи-ўлан тўшагини, оиласининг ор-номусини, киндик қони тўкилган тупроғини, ота маконини деб не-не қийинчиликларни бошидан кечирмади. Замон дарёсининг тўлқинларида гангиб қолган деҳқон «қулоқ» бўлиб кетаверди. Мудҳиш очарчилик йиллари сунъий равишда уюштирилганлиги бугун ҳаммага аён. Бовурим қозоқ халқининг учдан икки фоизи шу йилларда ўлимтикларга ем бўлганлиги ҳақиқат. Истиқлол (миллий мустақиллик) йўлини танлаган юзлаб зиёлилар, эл сарварлари кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларга дучор қилинганлиги, қатағон этилганлиги дунёга маълум. Марказий матбуотнинг хабар беришича, Ўрта Осиёдан 46 минг киши қатағон қилинган, шундан 25 минги Ўзбекистондан экан. Австрия адибаси Эбнер-Эшенбех «Эзгулик: саховат ниқоби остида ёвузлик қилинмаганда эди, дунёда бу қадар ваҳшийлик бўлмасди», — дея ёзганда қанчалар ҳақ эди.

БИЗ БУГУН «АЙБДОРЛАР»НИ изламоқчи эмасмиз. Лекин унутиш, хотиралардан чиқариб юбориш ҳам мумкин эмас. Хива хони Исфандиёр Хоразмдаги Шўркўл тепалигига чиқиб, «Ў, менинг юртим шунча каттами?..» деб ҳайратда қотган экан. Эҳтимол, халқимиз бошига шунча кулфатлар, бало-қазолар ёғилганлигига қадимдан нарини кўролмаган баъзи калтафаҳм хонлар, беклар, айбдорлар. Эҳтимол, уруғчилик, қавмчилик, элатчилик, тарафкашлик сингари азалий давом этиб келаётган бузғунчилик одатлари айбдордир. Эҳтимол, фикр авжи, ҳаёт, табиат тараққиёти гуноҳкордир. Балки, худо иродаси шундайдир... Бироқ, ёдда тутмоқ — зарурият барча ёвузликлар, ваҳшийликлар бошида, XX аср ибораси билан айтганда, «ҳазрати инсон» турибди. Ҳа, Алишер Навоий ёзганидек:

Вайронадур масканим,
андин менга бисёр ғам,
Оҳим била эшикта ўрт,
ашким била девор нам!

Хўш, Улуғ Ватан урушидан кейинги «тинчлик йиллари»да халқимиз аҳволи тубдан ўзгардими? Нега саксонинчи йилларда «коммунизм»да яшамадик? Нега Америка Қўшма Штатлари, Япония, Туркия, Жанубий Корея мамлакатларидан сурувидан айрилган айланмабош қўш каби орқада қолиб кетдик? Нега Швеция, Австрия, Норвегия, Финляндия, Канада, Испания давлатлар янглиғ давлат ишчилари бизнинг ишчиларимизга қараганда 4—5 марта кўп маош олиб яшайди. Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, «Уларнинг иқтисодий ҳимояланганлиги, меҳнаткашларининг турмуш даражаси фақат тушимизга кириши мумкин!» Нега? Нега якка-ю ёлғиз зангори қозонимиз — Оролдан айрилиб ўтирибмиз? Нега ҳавомиз, сувимиз, тупроғимиз заҳар-заққум? Нега бунча қалбимиз қашшоқлашиб кетди? Нега? юрагимизда бунчалар лоқайдлик, кўзларимизда ўт сўнган? Кексаларимизнинг донишмандлиги, аёлларимизнинг нафосати, йигитларимизнинг соғломлиги қаёқда қолди? Маънавий қадриятларимиз қайга йўқолди? Нега?

Бу «Нега?», «Нима сабабдан?», «Нима учун?», «Боиси нима?» сингари туман-туман саволларнинг жавоби битта: Мустақил ривожланмаган мамлакат, эл турмуши ҳеч қачон фаровон бўлиши мумкин эмас.

Ўз-ўзидан яна савол туғилади. Мустақил мамлакат — мустақил жумҳурият, биринчи галда, нималарга таяниши, нималарга куч-ғайратини сарф этиши керак?

«Мамлакат мустақиллиги, тараққиёти, умматлар ва миллатлар бахт-саодати шу юрт ерларининг катталиги, одамининг кўплигига эмас, балки уларнинг илмига, санъатларининг қай йўсинда тараққий қилганига ва халқининг маданияти, сиёсий онги қай даражада эканлигига боғлиқ» — деган гапни ўқидим бир қўлёзмада. Оқилона, топиб айтилган!

Менимча, бизда биринчи навбатда, маориф ва маданий-маърифий соҳалари авжига бутун диққат-эътиборни қаратмоқ лозим. Миллий боғчаларни кўпайтириш, тарбияланувчилар тарбиясига, урф-одатларимизга кўра жонбозлик қилиш, мактаб қурилишларини тубдан изга солиш, ўқувчи-ўсмирларни миллий шарт-шароитдан, адабий-ахлоқ, бир сўз билан айтганда, миллий руҳиятдан келиб чиққан ҳолда ўқитиш, тарбиялаш зарур. Англияда бир синфда 5—6 ўқувчи ўқийди. Бизнинг бир синфга эса 50 гача ўқувчи жойлаштирилади. Муаллимлар аҳволига нима дейсиз?

МАОРИФ ИШЛАРИНИ ҲАЁТГА ЭШ ҚИЛМОҚ кечиктириб бўлмас вазифадир! Зеро, ожизларга куч-қувват бахшида этгувчи куч — маърифат, деган донишлар.

Мактабларимизда, албатта, инглиз, рус, араб тилларини, олий ўқув юртларида шуларга қўшимча равишда турк, хитой, форс, япон, ҳинд тилларини ўқитиш ишларини тартибга солиш жоиз, деб биламиз. Кошкийди, болаларимиз хорижий элларда ўқишса, келиб ўз Ватанига хизмат қилишса...

Шуни ёдда тутиш керакки, асримиз бошида Япония барча саъйи-ҳаракатини маориф ишининг юксалишига сарфлади. Натижасини эса бугун жумлаи жаҳон кўриб турибди. Ҳолбуки, ўша йилларда Туркистон шарт-шароити, ривожланиши орасида Япониядан кўп ҳам фарқ қиладиган жиҳатлари бўлмаган.

Буюк ҳинд адиби Тагор «Россия ҳақида мактублар» эссесида бизга сабоқ бўларлик бир хабар беради: «Бизнинг кунларимизда Туркия даҳшатли оғир юк бўлган диний фанатизмдан озод бўлиш йўлидан қадам ташлаб бормоқда. Туркия тез суръатлар билан маориф ишларини йўлга қўймоқда. Фақат Ҳиндистон уйқуда...»

Бу сатрлар бизни сергаклантириши, тағин унинг «...худди шу маориф воситаси билан қисқа муддат ичида ўз ватанининг ишлаб чиқариш қувватини ошира олди, давлатнинг саъйи ҳаракатларини бутун халқ интилишлари ва орзу-ниятлари билан бирлаштирди» каби мисралари ўйга толдириши лозимга ўхшайди.

Буюк Тагор бизнинг маориф соҳамиздаги таназзулимизни аввалдан кўргани каби шундай ёзади «Буларнинг хатолари йўқ деёлмайман, жиддий бир хатолари бор. Бир кун бориб у бир бахтсизликка сабаб бўлади. Қисқача айтганда, бу хато шундан иборатки, маориф ишлари бир андозада олиб борилмоқда, бироқ андозага солинган инсон моҳияти барқарор бўлмайди, чунки билим жонли ақл-фаросат билан уланмаса, бир кун бориб бу андоза тилка-тилка бўлади. Ё бўлмаса инсон ақли тор бир доира ичига олинса, бориб-бориб йўққа чиқади, ёки одам боласи мурувватли қўғирчоқдай бўлиб қолади».

Иккинчидан, Ватанимиз таркибидаги «мустақил жумҳурият» номини олар экан, миллий саноат тараққиёти билан боғлиқ масалаларни ҳам кечиктирмасдан ҳал этиши — зарурият эканлиги барчага маълум ҳақиқат, деб ўйлайман. Саноатимизда техник жиҳозлаш даражаси ғоятда паст, мажруҳ. Асосий тармоқлар эса марказга бўйсундирилган.

Бизда ишчилар синфи шаклланмаган, дейишади. Тўғрироғи, шакллантирилмаган. Янада тўғрироғи, улар пахта майдонлари учун «жонли темир»ларга айлантирилган.

Туб аҳолини саноат корхоналари жойлашган кентлардан ҳар хил усуллар билан суриб чиқариш шакли мавжуд, деб биламан. Айтайлик, ерни жон-дилдан севган миллий ишчига — «шаҳардаги уйингни топшир, деҳқончилик сенга қулай-ку...» деган «ажойиб» таклиф тавсия этилади ёки оддийгина «ҳали-бери турар-жой бўлмайди», дейилади. Бечора ишчи ёки бўлажак ишчи юкини орқалаб «отам ишчи ўтмаган-ку...» дея далага йўл олади... Прописка масаласини айтмай қўя қолай. Шундай экан, бизнинг ишчи синфимиз қолаверса, ҳар бир соҳада миллий кадрларимиз қандай шакллансин?!

Учинчидан, жумҳуриятимиз иқтисодий мустақилликка ўтар экан, у қишлоқ хўжалиги соҳасида жуда каттаислоҳотлар қилиши даркор. Бизнинг қишлоқ хўжалигимизда пахтанинг етакчи тармоқ эканлиги етти ёшли гўдакдан етмиш ёшли кексага ҳам аён. Пахта яккаҳокимлиги ҳақида гапирилмаган гап қолмади.

Пахта... Пахта бошқа халқлар тарихида қандай роль ўйнаганлигини билмайман-у, аммо ўзбек халқи тарихида у унутилмас. Оддий бир мисол: пахта чироққа пилик бўлиб бизнинг кунларгача етиб келди. Тарихий маълумотларга қараганда, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида бундан икки минг йил аввал ҳам пахта толасидан ип йигирилган, газлама тўқилган.

Қизиқ бир мисол: бундан роса 430 йил олдин Европада оддий чит зиғирпоя, жун, ҳатто ипакдан тўқилган матолардан қимматроқ бўлган. XVI асрда Англия қироличаси Елизавета жуда катта байрамлардагина чит кўйлак кийиб ясанган. Пахта денгизнинг нарёғидаги узоқ ўлкалардан келтириладиган ноёб нарса ҳисобланарди. Худди ўша вақтларда пахтага инглизлар «оқ олтин» деб ном қўйишган. Европа давлатлари ана шу оқ олтинни забт этиш учун ҳарбий экспедициялар юбора бошлаган. Оқ олтин учун инглизлар Миср ва Ҳиндистон халқларини асоратга солдилар. Хитой халқи устига қўшин юборганлар. Айни пайтда Америка жанубий штатларида эка бошлаганлар. Улар пахта майдонларида ишлатиш учун Африкадан қуллар келтириша бошлаганлар. Американиклар пахтани «офтоб болалари» деб атаганлар.

ЎРТА ОСИЁ ПАХТАСИ учун ўнлаб инглиз жосуслари ҳар хил ниқоблар остида ўлкамизнинг турли ноҳияларини айланиб қайтганлар. Бу борада, албатта Чор Россияси ютиб кетди. Санъатшунослик фанлари номзоди Абдуманноз Назаровнинг ёзишига кўра, Туркистон генерал губернатори К. П. Кауфманнинг беш йиллик мунтазам ҳисобот маърузаларида (қ. Проект отчета ген. — адъютанта К. П. Кауфмана по гражданскому управлению у устройству в областях Туркестана. 1881. Спб., 1885.) Н. С. Ликошиннинг Туркистон иқтисодига бағишланган қатор тадқиқотларида (Н. С. Ликошин. Переселение и переселенцы, Историко-экономический очерк, Самарканд. 1892) келтирилган аниқ ва батафсил маълумотларга қараганда, Туркистон шаҳар ва вилоятлари иқтисодиёти ушбу давр ва муҳит талабларига мос равишда уйғун ривожланиб келган. Масалан, қатор олтин, мис қайта ишлаш комбинатлари, кўн ва бошқа заводлар (албатта Европа тушунчасидаги «комбинат» ва «завод» эмас) мавжуд бўлиб, пахта эса етакчи роль ўйнамаган. Чор маъмурияти Туркистонда бошқа саноат жабҳаларини бўғиб қўйиб, асосан пахтачиликни ривожлантириш ва ўлкани Россиянинг асосий пахта базасига айлантиришни мўлжаллаб қатор тадбирларни амалга ошира бошлади. Жумладан, Мирзачўлни ўзлаштириш плани Кауфман даврида туғилиб, XIX аср охири XX аср бошларида ҳаётга жорий қилина бошланди. Солдатское, Славянка ва бошқа аҳоли пунктлари шу аснода пайдо бўлди. Пахта тозалаш заводларини қуриш, уни Россияга етказиб берувчи савдо ширкатларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, айни вақтда Россиядан келтирилган машинасозлик, металургия ва бошқа саноат маҳсулотлари билан арзон нархларда маҳаллий бозорни тўлдириш ва шу йўл билан бошқа маҳаллий саноат соҳаларини бўғиб қўйиш мўлжалланган «монокультура» сиёсатига олиб келди. Сталинизм бу сиёсатга янада кенг йўл очиб берди.

Пахта... Сўнгги пайтларда баъзилар онгида пахтани қишлоқ хўжалик тармоқлари орасидан буткул чиқариб ташлаш тенденцияси пайдо бўлди. Мен бунга қўшилолмайман. «Пахта яккаҳокимлигини» чиқариб ташлаш бошқа гап...

Деҳқонни пастдан — ердан юксакликка кўтариш лозим, юксакликка кўтариш учун пастдан — ердан жой бериш зарур! Ер бўлганда ҳам мир Алишер Навоий айтмоқчи;

Ҳирад деҳқони мундоғ нуқтаи
дер;
«Ки дона сочқоли яхши керак ер».

Эрк, ҳуқуқ бериш зарур! «Дунёда одам бўлиб яшов учун ҳуқуқ — эрк, ҳам ер керак. Эрксиз, ерсиз одам дунёда яшай олмайдир» (Олимжон Тиркишев. «Шўро» журнали. Оренбург. 1917 йил 17-сон.)

Деҳқон етказадиган бошқа неъматларнинг таъриф-тафсифига қалам ожиз. Ҳатто... Ўттиз беш йил Туркистонда яшаб, Самарқанд губернатори бўлган Н. С. Ликошин (Машраб «Девон»и билан қизиқиб, унинг ижоди ҳақида ёзиб, ғазалларини рус тилига таржима қилиб — биринчи бўлиб рус ўқувчига етказган ўша Ликошин)нинг кўрсатишича, 1872 йил Тошкентда вабо тарқалади. Эл қирилади. Шунда «эт (гўшт) емас» деб лақаб олган Бобо Охун Шодмонхўжа эшон, фақат ҳўл мева-чевалар еб тирикчилик қилиб, соғ қолади. Соғ қоладигина эмас, балки Чимкент-Туркистон-Тошкент одамларини ҳам ҳўл мевалар егизиб даволаган экан...

Ва, ниҳоят, жумҳуриятимизни тўла, мустақил идора қилиш ҳуқуқи зарурият, табиий, ижтимоий тараққиёт талаби. Мустақил идора масъулияти ғоят муҳим. Оқил миллий кадрлар идораларда хизмат қилиши муҳим. Токим халқ улар билан бевосита ва билвосита гаплаша олсин.

Мустақил жумҳурият — ҳуқуқий ислоҳотлар ўтказишга эришишини таъминлаши керак. Украина, Белоруссия каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз вакиллари бўлиши, ривожланган давлатлар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиши даркор.

Ўзбекистоннинг Давлат байроғи, Гимни ва Гербини халқ руҳига хосу мос қилиб яратишни таъминлаш лозим.

Кишиларнинг сўз эркинлигини, матбуот эркинлигини амалиётда қонунлаштириш даркор. Асримизнинг улуғ донишманди Расул Ҳамзатов айтганидек; «Биз олисларни кўрмоғимиз керак, бизни ҳам олис-олислардан кўришсин; вазифамиз олисроқ сузиш, ерни чуқурроқ ҳайдаш ва жонажон хонадонимизни унутмасликдир».

ЖУМҲУРИЯТ мустақиллиги — халқ мустақиллиги. Бу мустақиллик учун ҳар бир азамат ўз ҳиссасини донолик билан қўшиши фарз ва қарз. Ва айниқса бу борада жумҳурият Олий Совети Кенгаши, раҳбарлар ҳам, унинг фуқаролари ҳам Ўзбекистон халқ депутатларига қаттиқ суянади.

Хориждан хабарлар

АҚШда ёзги вақтга ўтилмоқда

НЬЮ-ЙОРК. ТАСС мухбири Юрий Кирильченко хабар қилади:

Американиклар 1 апрелдан ёзги вақтга ўтдилар.

Бундан олдин АҚШдаги рўзномаларнинг амалда барчаси ўз муштарийларига соат милларини ўз вақтида бир соат олдинга суриб қўйиш зарурлигини эслатдилар. Айни вақтда баъзи рўзномалар бу ишни қандай амалга ошириш батафсил баён этилган расмларни ҳам босиб чиқардилар.

Қўшма Штатларда ёзги вақтга ўтиш апрель ойининг биринчи якшанбасида кечаси соат 2 да расмий равишда амалга оширилади. ЮПИ агентлигининг уқтиришича, бу йил 1 апрель одамлар учун унчалик қулай кун эмас. Агентлик мамлакат аҳолисининг кўпчилиги ёзги вақтга ўтиш тўғрисидаги хабарни ўқиб, уни 1 апрель ҳазили деб ўйлашлари мумкин, деган мулоҳазани билдирди.

Айни вақтда энергияни иқтисод қилиш мақсадида куннинг ёруғ қисмидан энг кўп даражада фойдаланиш ғоясига АҚШда доимо жиддий муносабатда бўлганлар.

Бироқ, Америка Қўшма Штатларида ҳозирги пайтда амалда ёзги вақтга ўтиш американиклар ўз ихтиёрларига қарши энергетика танглиги сабабли ниҳоятда тежамкорликлари билан фарқ қила бошлаган 70-йилларда қарор топди, деб ҳисобланилмоқда. Шундай бўлса ҳам Қўшма Штатларнинг баъзи ноҳияларида ёзги вақтга ўтилмайди. Бу Аризона ва Гавайя штатларига, Индиана штатининг шарқий қисмига, шунингдек, Вашингтонга қарам ҳудудлар — Пуэрто-Рико, шарқий Самоа ва Виргиния оролларига тааллуқлидир. Транспорт вазирлиги Американинг вақт тўғрисидаги қонунига риоя этилишини назорат қилади. Бу темир йўллар мамлакат транспорт системасида катта аҳамиятга эга бўлган ҳамда бир неча соат минтақаларининг мавжудлиги поездлар ҳаракати ягона жадвалини тузишга анча таъсир кўрсатадиган даврларга бориб тақалади.

Саёҳатнома

Дилбар МАҲМУДОВА.



Шаҳарларни одамларга ўхшатгинг келади: ранг-баранг, ҳар бирининг ўз қиёфаси, юзи, тарихи ва нафосати бор. Дрезден шаҳрига кириб борар эканмиз шу ҳақда ўйлаймиз. Дид билан қурилган тош ва бетон йўллар... Айниқса бир маромда терилган, ёғин-сочин таъсиридан сийқалашиб кетган тош йўллар қатнов учун эмас, томоша учун қурилган санъат асарларига ўхшайди. Йўл чеккаларида яшнаб турган дарахтлар ихотасидан узоқ-узоқлардаги уфққача туташиб кетган бахмал далалар баҳри-дилингизни очади. Ҳаммаёқ кўм-кўк. Кўп қаватли бинолар айвончаларига қўйилган тувақлардаги ранго-ранг гуллар кўзни қамаштиради. Қайси бинога яқинлашманг, унинг остонаси гулзордан бошланади. Шаҳарнинг ҳар бир хонадони соҳиби сени қўлида гул, қучоғида гулдаста билан кутиб олаётгандай...

Гуллар... Шаҳарнинг беш, ўн кварталини ҳам босиб ўтасиз-у, лекин гулзорнинг поёни кўринмайди. Икки қўшни ҳовлилар ўртасида девор ўрнига гул, дарвозахона белгиси гул, бўш қолган бир кафт ерда ҳам гул ўстирилган. Лейпцигда ҳам, Эрфуртда ҳам, Веймер ва Берлинда ҳам, ҳамма-ҳаммаёқда шундай жозиба ва нафосат.

«Исо пайғамбар черкови» харобалари Дрездендаги Улуғ Ватан урушидан хотира сифатида сақланаётган ягона вайрона. Ундан очиқ ҳаводаги музей сифатида фойдаланилаётир. У беихтиёр уруш даҳшатларини эсга солади. Бундай вайроналар тасаввурдаги фожиалар, жароҳатлар ва тубсиз оҳу фиғонлар тамғасидир. Черков харобаси мудҳиш уруш изларини қанчалик эслатмасин, ўзингни боғ ичра, чаман ичра юргандай ҳис этасан. Ана шунда култепага айланган шаҳарларини илгаригисидан ҳам обод этаётган қўли гул немис халқига офарин, дегинг келади. Бу, аввало, ғалаба меваси.

Ҳа, фашизм устидан қозонилган ғалаба халқларга, айниқса немис халқига кўп нарса берди. Унинг бир урвоғи Дрезден картиналари галереяси асарларининг қутқариб қолинишидир. Бу нодир санъат асарларини Улуғ Ватан уруши йилларида совет қўшинлари сақлаб қолган ва Совет ҳукуматининг қарори билан улар немис халқига қайтариб берилган. Галерея эндиликда фақат немис халқининг эмас, балки бутун дунё халқларининг маданий меросига айланиб қолди. Галереядаги битта асар ва унинг дунёга келиши ҳақида тонг отгунча ҳикоя қилсанг ҳам тугамайди. Кўргазмада эса юзлаб шундай асарлар намойиш этилмоқда.

Дрезден картиналари галереяси дурдоналари ёки Лейпциг шаҳрининг жаҳон бозори ярмаркаси сифатида машҳурлиги, шаҳар темир йўл вокзали қурилишининг ноёб архитектураси ҳақида сўзлайми ёки номи «Қизил китоб»га кирган ҳайвонот боғи, китоб жавонлари узунлигини жамлаганда 25 километрни ташкил этадиган 8 миллион китоб сақланаётган китоб музейини ташкил этиш ва тобора бойитиб бориш анъаналари ҳақида эшитган-кўрганларимни айтайми!..

УЧҚУНДАН АЛАНГА

Лейпцигда мўътабар бир даргоҳ бор. Бу «Искра» газетаси музейи бўлиб, 1900 йилнинг декабрь ойида «Искра» деб аталган марксистик газетасининг биринчи сони шу ерда босмадан чиққан эди. Газетанинг «Учқундан аланга» деган шиори бутун дунёга биринчи бор Лейпциг шаҳри орқали тарқалган эди. 1956 йили Германия Демократик Жумҳуриятида В. И. Ленин музейи очилди. Бу музей «Искра» газетасининг биринчи сони чиқарилган тарихий типография ва «Искра» газетаси экспозициялари залидан иборат.

ОҲ, БУХЕНВАЛЬД

Лагернинг кино залида намойиш этилаётган ҳужжатли фильм шундай деб бошланади: «Оҳ, Бухенвальд!». Шу сўзларни эшитишингиз биланоқ вужудингизда аллақандай оғриқ пайдо бўлади. Уруш йиллари одамлар умри заволи ва фожиасига айланган Бухенвальд ваҳшийликлари ҳақидаги ҳужжатлар тилга кирган сайин оғриқ ҳам кучайиб бораверади. Ахир, ваҳшийликда унинг олдига тушадигани бўлмаган-ку. Бу ерда 250 минг асир қийноқда яшади. Шулардан 65 минги учун Бухенвальд сўнгги манзил бўлди...

Тарихий ҳақиқат ҳақидаги ҳар қандай ҳужжатли фильм ҳам, воқеалар гувоҳи бўлган уруш, ветеранларининг ҳикоялари ҳам, бундаги музей, кўргазмалар ҳам Бухенвальд даҳшати ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди, албатта. Вақт ўтиши билан бараклар қўпориб ташланган. Асирлар ўша бараклардан чиқарилиб, обдон калтакланиб, ҳар куни неча бор ҳайдаб чиқиладиган майдон ҳам ҳеч нарса содир бўлмагандек сокин. Агар бунда пойига гуллар қўйиб кетилаётган ёдгорликлар бўлмаганда эҳтимол даҳшат уяси бўлган Бухенвальднинг излари ҳам ўчиб кетармиди?!

Лагерь атрофидаги оч сариқ рангли уйларда офицерлар ўз оилалари билан яшар эдилар. (Бу уйлар ҳозир ҳам сақланган). Уйларнинг деразаларидан боқиб ёки сайрга чиққанда асирларнинг қийноқларини кузатиш немис офицерлари учун дам олишнинг энг завқли дақиқалари ҳисобланган. Бу қафасга «пушти боғ» деб ном берилган. Очлик ва совуқдан тиши-тишига тегмай пушти ранг олган чеҳралар уларга эрмак бўлган...

Олимларнинг дастлабки тажрибаларини ҳайвонлар устида синаб кўриш анъаналари бу ерда асирлар устида ўтказилган. Даҳшатлиси шундаки, 45 йил илгари тажриба ўтказилган ўша фожиали медицина хонаси бутун асбоб-анжомлари (қайчи, пичоқ, турли шприцлар, игналар, сув тушадиган жўмрак, оқ кафель ётқизилиб, тобутсимон шаклда ишланган ўриндиқлар)нинг асл нусхаси сақланган. Қони сўриб олинган, шу пичоқ, қайчилар билан териси шилинган, фосфорда суяги қолгунча ёндирилиб, кейин қузғунларга ташланган тирик мурдалар кўз олдингга келаркан, бошинг айланиб кетади. Одам қатл қилишнинг ҳийла-найранги ўйлаб топилган бу сеҳрли медицина хонасида асирлар одатдагидек врачлар кўригидан ўтказилгач бўй-бастларини ўлчаш учун навбатдаги хонага йўлланганлар. Уларнинг бу ердан омон қайтиб чиққани бўлмаган — бўйлари ўлчанадиган тахтача орқасидаги хонада ўқланган тўппончалар ўз ишини қилган. Ўша машъум бўй ўлчов тахтачани, кўкрак қафаслари ортида умид милидай тебранаётган юракларни эшитган фонендоскопни, мурдалар куйдирилган печкаларни ҳам кўриш мумкин.

6204, 107, 516, 38, 716 рақамлари ёзилган асирларнинг уст-бошлари, улар ишлатган идиш-товоқлар... Бир томонда китоб, чолғу асбоби, иккинчи томонда дор ва болалар оёқ кийимлари...

Инсоният фожиаси ва хотирасига айланган Бухенвальддаги бу кўргазма қуроллари вақт ўтиши билан эҳтимол йўқ бўлиб кетар, лекин фашистлар Германиясининг бу ерда олиб борган қонли қирғини авлодлар хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди.

Немис халқини фашизм асоратидан озод қилган совет қўшинлари хотирасига ўрнатилган Веймар ёдгорлик комплексини кўздан кечирар экансиз, кўнглингиздан яхшилик ҳеч қачон унутилмайди, деган илиқ бир ҳис ялт этиб ўтади. Комплекс халқлар озодлиги учун жонини тиккан қаҳрамон совет жангчиларига бағишланган. 80 гектарли боғнинг 20 гектарини ёдгорлик комплекс ташкил этади. Бошига чуст дўппи, эгнига беқасам тўн кийган ўзбек йигити ғалаба байроғини кўтариб олға қадам ташламоқда...

Ғалаба! Бу сўз қадр-қимматини қамалдан омон чиққан ленинградликлардан сўранг. Освенцим ва Бухенвальд ўлим лагерлари даҳшатларини бошидан кечирган одамлардан сўранг...

(Давоми бор).

* * *



Суратда: ГДР, Совет солдатлари қатл қилинган майдондаги ёдгорлик тошига гулчамбар қўйилмоқда.

Суратчи:

Ш. ИБРОҲИМОВ.

Ранг-баранг олам

ЧЎЛ ЖАСОРАТИ

✦ ЭРТАЛАБ барвақт океан соҳилига келган Рио-де-Жанейро аҳолиси ғалати бир воқеанинг гувоҳи бўлди.

80 ёшли пенсионер Гастон Ди Фигейреду Нитероедаги Каран соҳилидан Рио-де-Жанейродаги Копакобан соҳилигача бўлган Гуанабара кўрфази бўйлаб сузиб ўтди. У уч соат ичида 22 километр масофага сузди.

80 ёшли спортчи яқин вақт ичида соҳил ёқалаб узоқ масофага сузиш ниятидадир. У ўзининг сузишга бўлган иштиёқини «танасининг жисмоний жиҳатдан яхши бўлишини» хоҳлаётганлиги билан изоҳлайди.

ФИНЛАР БИРИНЧИ

✦ ҚАЙСИ мамлакатда қаҳвани кўп истеъмол қилишади? Агар бу саволга Бразилияда, деб жавоб бермоқчи бўлсангиз, янглишасиз. Бу борада дунё бўйича Финляндия биринчи ўринда бўлиб, «Гиннеснинг рекордлар китоби»га номи зикр этилишига лойиқ экан. Бу ерда аҳоли жон бошига (эмадиган болалардан ташқари) бир йилда 12 килограмм қаҳва тўғри келаркан. Шунинг учун бўлса керак улар қаҳвани ўзимизнинг миллий ичимлигимиз, деб ҳисоблашади. Бир кунда 4—5 қадаҳ қаҳва ичиш улар учун норма. Финлар тез эрийдиган қаҳва кукунидан кўра қайнатиладиган хилини афзал кўришади.

Маълумки, Финляндияда истеъмол молларининг нархи баланд, лекин қаҳва жуда арзонга сотилади. Бундан ташқари, вақти-вақти билан унинг баҳоси туширилиб турилади. «Хельсингин саномат» рўзномасининг хабарига кўра, худди шу пайтда одамлар кўплаб ғамлаб қўядилар. Шунинг учун финларнинг озиқ-овқатга кетадиган оилавий бюджетининг атиги 5,1 фоизи қаҳвага сарфланади.

КИЧИК ОНАЛАР


✦ ГФРда кўп қизлар мактабда ўқиб юрган давридаёқ она бўлиб қолмоқдалар, деб хабар беради Ғарбий Германияда чиқадиган «Квик» жаридаси. Унда ёзилишича, 1988 йилнинг ўзида ўн уч ёшли қизлардан 8 нафари, ўн тўрт ёшлилардан 52 нафари, ўн беш ёшлилардан эса 250 қиз она бўлишга улгурган.

БИРДАНИГА БЕШОВЛОН

✦ АМЕРИКАНИНГ Сан-Антонио шаҳрида (Техас штати) бирданига бешовлон — уч қиз ва икки ўғил бир она қорнидан «талашиб» туғилишди. Олимларнинг таъкидлашларича, бундай ҳодиса жуда кам-дан-кам бўлади, яъни 85 миллион туғилишдан сўнг воқеа яна такрорланиши мумкин, дейилади Югославиянинг «Политикин забавник» журналида.

СПОРТ



ҚАЛБИНГГА ҚУЛОҚ СОЛ...

Ривоятларга қараганда аждодларимиз — боболаримиз ҳар саҳар туриб оллоҳдан ўғил беришини сўрар эканлар. Ўғил — юрт ҳимоячиси битта кўпайди, деганн. Оғир оёқ бўлган аёлга фақат энг тотли таом, хушхабарлар бағишлайдиган оромгоҳгина раво кўриларкан. Эрлар бундай вақтда рафиқаларининг кўнглига қилчалик озор етказмас, кўзларига ҳуш келтирмас эканлар. Сабаб: туғилажак паҳлавоннинг вужудига қуюладиган қон заҳарланмасин. Шундагина зурриёд қуюқ қон, ҳақиқий паҳлавон бўлиб дунёга келаркан. Ўғлон уч ёшга тўлгач, унга қўл кураш, оёқ кураш, гавдаси билан кураш тушиш санъатларини ўргатишар экан... Балки шу сабаб, Темур Темур бўла олгандир. Қўл остидаги йигитлари эса мағлубият нималигини билмагандир. Шунинг учун ҳам, улар олиму фозил, меъмору санъаткор, елкаси ерга тегмаган паҳлавонлар бўлиб етишган бўлсалар не ажаб?

Нега бугунга келиб барча «қора тамға» вужудида ўшандай аждодлар қони оқаётган халққа қадалди? Дарвоқе, биз спортда ҳам ҳеч қандай ғалабаларга эришмай қолдик. Ҳарбийда бўлса йигитларимиз фақат қурилиш батальонларида ўз «йигитлик бурчлари»ни ўтаяпти. Нега?.. Бу «нега»ларга жавоб топиш осонмикан?..

Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтида ташкил этилган бир уюшма хавотиримизга таскин бергандай бўлди. Шу уюшманинг президенти Фарҳод Тожибоев билан учрашдик. У киши «тўйдан олдин ноғора чалсак қандоқ бўларкин?» дея саволларга жавоб беришда бироз истиҳола қилгандай бўлди. Ҳарқалай, эзгу иш бошланибдими, бундан бутун халқимиз хабар топса, бунинг нимаси ёмон.

— Ҳа, биз шу кунга қадар кўп нарсаларни бой бердик. Бугун номини турғунлик деб атаётган йилларимизда меъморлик, ҳунармандчилигимизнинг нодир намуналари, ҳақиқатни тараннум этаётган адабиёт, мусиқа асарлари йўқ қилинди. Спортнинг ҳам айрим турлари қатағон қилинди. Энди биз ўша кемтикларни тўлдиришимиз, тиклашимиз керак. Бироз қийинчилик билан бўлса-да.

— Фарҳод ака, ўша қатағон қилинган кураш турлари, яъни шарқ беллашувлари Шарқ халқларининг кўпроқ қай бирига дахлдор?

— Доимо мана шу муаммо мунозарага сабаб бўлади. Кўпчилик каратэ-до — японларники, таэквандо — корейсларники дейишади. Аслида, ҳам шундайми? Менимча, йўқ албатта. Афсус, бугун бизга гўё янгилик бўлиб кириб келаётган курашнинг бу турлари билан ота-боболаримиз ҳам шуғулланишган. Улардан бизга фақат кураш, кўпкари каби ўйинлар мерос бўлиб қолган. Ўйлаб кўринг, нега жаҳонгашта боболаримизнинг юриши доим (деярли) ғалаба билан тугаган. Сабаби: аждодларимиз кураш санъатининг барча турлари — қўл, оёқ, гавда каби беллашувларни мукаммал ўрганишган. Асрлар ўтиши билан кўп халқчил нарсалар унутилганидек, бу санъатлар ҳам унутила борган.

— Тошкент шарқий беллашувлар маҳорати уюшмасининг президенти сифатида бу уюшманинг бугунги кундаги фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.

— Биз ўз олдимизга аввалламбор инсон саломатлигини тиклашни ва аждодларимизнинг бизгача келмаган, бугунда Хитойда, Кореяда кенг тарғиб этилаётган ва ривожланган каратэ-до, ушу, айкидо, таэквон-до каби спорт турларини, шунингдек, ўзбекча кураш сирларини ўрганишни ва уларни кенг тарғиб этишни ният қилганмиз. Бу борада Тошкентнинг ўзида учта — инсон саломатлигини сақлаш, маданий ва илмий марказларимиз иш олиб бормоқда. Мақсадимиз ўғлонларимизда эркаклик куч-қувватини ва ҳис-туйғусини кучайтириш.

Машғулотларимиз қуруқ назария ёки ўзимизнинг усулларимиз билангина чекланиб қолаётгани йўқ. Хитойдан таклиф қилинган халқаро тренерлар машғулот олиб боришмоқда.

Ўтган ойда пойтахтимизга каратэ-до бўйича етти марта жаҳон чемпиони, барча спортсеварлар ва киномухлислар учун маълум ва машҳур Брусли билан бир неча киноларда роль ижро этган Чекнориснинг 24 «қора белбоғ» шогирдлари келди.

28 февраль куни эса кореялик халқаро тренер Чой Хон Хи ташриф буюрди. Уюшмамиз аъзолари бу мутахассисларнинг лекцияларини эшитишди, уларнинг кураш санъати сир-синоатлари билан танишишди. Яна Ўрта Осиё жумҳуриятларини йиғиб, йилнинг охиригача команда тузиб чиқмоқчимиз. «Осиё ўйинлари» чемпионатида қатнашмоқчимиз.

— Фарҳод ака, сўзларингиздан уюшмангиз аъзолари билан бўлган суҳбатдан бугунги кунда уюшмангиз фаолиятининг ишлари кўнгилдагидек эканлигини англадик. Албатта, бунда жумҳуриятимиз спорт қўмитасининг хизмати алоҳида бўлса керак!

— Биз ўз мақсадимизни осонлик билан амалга оширганимиз йўқ, албатта. Даставвал бизга кўмакдош топилмади. Уюшмамиз илк ташкил топган кунларда бизга унчалик хайрихоҳлик билдирмаган спорт қўмитаси ҳозирги кунда ўз доирасида шарқий беллашувлар уюшмасини ташкил қилмоқчи.

Мана, яхши кунлар ҳам келар экан. 1989 йил 5 декабрь куни СССР Давлат спорт қўмитаси томонидан Ушу федерацияси очилди. Сарсон-саргардонликлар инсоннинг эсидан чиқмаганидай, оғир шароитга тушганингда ёрдам қўлини чўзган кишиларни ҳам сира ёдингдан чиқаролмайсан. Уюшмамизнинг бу даражага етишида Тошкент вилоят комсомол қўмитасининг хизмати алоҳида бўлди. Айниқса, котиб Анвар Йўлдошевдан миннатдормиз. Ҳа, яхши одамлар кўп...

— СССР Давлат спорт қўмитаси томонидан ташкил этилган Ушу федерациясининг 1-вице-президенти сифатида ушунинг келгусидаги ривожи учун амалга оширилаётган ва ошириладиган ишлар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Биз нафақат ушунинг, келгусида Шарқ беллашувларининг ҳар бир тури учун федерация ташкил қилмоқчимиз. 15-20 февралда Москвада ушу бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди. Биз 24 апрелдан 29 апрелгача шу тур бўйича Бутуниттифоқ фестивали ўтказишни режалаштирдик. Биринчи чемпионатни эса октябрь-декабрь ойларида пойтахтимиз Тошкентда ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозирги кунда Хитойдан таклиф этилган беш тренер Иттифоқимизда мутахассислар тайёрламоқда. Улардан бири жумҳуриятимизда ишлайди. Яна Қозоғистон, Ленинград ва икки киши Москвада хизмат қилмоқда.

— Сиз ушу ва таэкван-до бўйича халқаро тренерсиз. Ушу бўйича алоҳида иш олиб бораяпсиз. Ушунинг сири нимада! Уни санъат дея оласизми!

— Ушунинг ҳеч қандай сири йўқ. Фақат бағрингиз кенг, кўнглингиз тоза бўлса бўлгани. Ушу қўл санъатидир. Раққоса қўл ҳаракатлари орқали қалбидаги бор дарду аламини, қувончу шодлигини баён этганидай, ушуда ҳам қалбингизга қулоқ солишингиз керак. Сиз қанчалар ҳаракат қилманг, агар қалбингизни тинглай олмасангиз, ушу санъатини ўргана олмайсиз. Қўлларингиз қалбингизга қулоқ солиши керак. Ўшандагина мақсадга эришдим, дейишингиз мумкин. Бу санъат инсоннинг ички дунёсини ёритади. Инсонга имон, эътиқоддан узоқлашмасликни ўргатади. Тушунарлироқ бўлиши учун оддий бир мисолни келтирай. Она коляскага гўдакни ётқизиб, уни катта йўл устида қолдирганча, нима биландир банд бўлиб қолди. Бирдан хавф пайдо бўлди: катта тезликда машина келаяпти. Дақиқалар... Она шу пайт коляскани даст кўтаради-ю, гўдагининг жонини сақлаб қолади.

Бошқа куни она ўша коляскани, ҳатто, чақалоқсиз ҳам жойидан силжитолмайди. Коляска жуда оғир эди. Нега? Ҳамма гап шу «нега»да. Сабаб, она хавф пайдо бўлган вақтда на уй юмушларини, на бошқа майда-чуйда ташвишларини ўйлаган. Фақат қалбини тинглаган. Қалби эса жигарпорасини омон сақлашга даъват этган.

— Уюшмангизга жумҳуриятимиз ёшлари қандай жалб этилмоқда?..

— Уюшмамиз ҳақида бир неча бор жумҳуриятимиз матбуотларида ёзилди. Яқинда мен Қўқонда, Андижонда бўлиб келдим. У ердаги пахтачилик ва педагогика институтларида уюшманинг филиалларини очмоқчимиз. Шунингдек, жумҳуриятимизнинг бошқа регионларида ҳам бу ишни амалга оширишни планлаштирдик. Биз яна болалар уйини оталиққа олмоқчимиз. Мен ўзбекми, тожикми, қирғиз ё туркманми, уйғур ё қозоқми, — барча халқлар ўртасида тафовут борлигини ҳеч қачон сезган эмасман. Бундай бўлишини истамайман ҳам. Ваҳоланки, полвонлик — у тантилик, мардлик, инсонийлик демакдир. Бизнинг истагимиз мана шу туркий паҳлавонларни жаҳоннинг улкан спорт майдонларига олиб чиқишдир.

— Бугунги ўзбек спорти ҳақидаги фикрингиз!

— Ўзбек спорти бир вақтлар жаҳон танийдиган спортчиларни етказган эди. Бугун эса... буни ҳамма билади. Мен бунинг асосий сабабчилари спорт қўмитасидагилар, демоқчи эмасман. Ҳар қалай, улар ҳам «оппоқ» эмас. Назаримда, улар учун ким бўлишидан қатъий назар яхши натижаларга эришса бўлгани. Йўқ, спорт — мардлар майдони. Бу майдонда ҳақиқий инсонлар курашади. Яна бир гап. Биз ҳатто жаҳон рекордларини ўрнатган ўйинчиларга ҳам бефарқ бўлиб қоламиз. Балки шу эмасмикан, ўзбек спортининг оқсашига сабаб бўлаётган бош омил.

Баъзи дарс бераётган тренерлар ўз соҳасидан бошқа нарсани билишмайди. Ваҳоланки, спортчилар жаҳонгашта бўлишади. Шунинг учун уларга дарс бераётган тренерлар аввалламбор тарихни, фалсафани, педагогикани пухта эгаллаган, шунингдек, ўзбек халқининг маданиятини ўрганган бўлиши керак.

Машғулотларимизни она тилимизда олиб борсак, наҳотки ютқазсак. Ахир бу билан биз ўзбекона танти паҳлавонларни тарбияламаймизми? Албатта шундай. Шу сабаб, машғулотлар ўзбек тилида олиб борилса жуда яхши иш бўларди. Бундан ўзбек тилини ўрганувчи бошқа миллат вакиллари ҳам манфаатдордирлар.

* * *

Мен Фарҳод Файзиевичнинг хонасидан чиқиб, йўлда борарканман, унинг иш фаолияти ҳақида ўйлайман. У иссиқлик физикаси институтида директор ўринбосари бўлиб ишлайди. Гоҳ қандайдир ҳужжатларни ўқиб, қўл қўйиш, қайсидир ходимнинг иш услубини кўриб чиқиш, гоҳида кимнингдир оилавий можароларини ҳал этишда ёрдам бериш. «Ҳаммасига қандай улгурасиз?» дея берган саволимга, директор ўринбосари: «Агар қалбга қулоқ солсанг инсон имконияти кенг. Бундан ҳам кўп ишларни қила олиш мумкин», дея жавоб берди.


Унинг учун ҳаётдаги муҳим нарса нима эканлигини билмоқчи бўлганимда, у киши: «Муҳими, яхши ном, изингдан издошларингнинг қолиши», деди.

Ҳа, Фарҳод Тожибоевнинг 200 дан зиёд шогирди бор. Улар Москвада, Севастополда, Украина ва Қозоғистонда ҳамда Иттифоқимизнинг бошқа регионларида яшашади ва меҳнат қилишади. Улардан бири ўтган йили Олмаотада ўтказилган ушу фестивалининг ғолиби Пўлат Усмоновдир. Рустам Иброҳимов, Фарҳод Ҳамидов, Собитжон Зокиров, Рамзий Гулямов, Сергей Фученко...

Суҳбатимиз сўнггида у киши иккита сурат кўрсатди. «Бу қизим Гулсанам, бу — Дилшод — ўғлим», деди суратларга ишора қилиб. Сўнг портфелини очиб, бир аёлнинг суратини олди. Бу унинг умр йўлдоши Розия опа экан. Фарҳод ака суратларга меҳр билан тикилиб, шундай деди:

— Булар доим мен билан. Ахир улар менинг илоҳаларим.

ОЙ САРА.



ПОЙДЕВОР ПИШИҚ БЎЛМАСА...

Мамлакатимизда футбол чемпионати байроғи кўтарилди. Олий лига командаларининг ўйинлари қизиб бормоқда. Ҳадемай иккинчи лига футболчилари ҳам майдонга тушишади. Яна «Пахтакор»ни ўйлаймиз: «Бу йил олий лигага қайтармикин? Командага янги истеъдодли ўйинчилар олиндимикин?» Ахир уйнинг пойдевори мустаҳкам бўлса у кўпга чидайди-да. Шундай экан, «Пахтакор»нинг ҳам «пойдевори» ҳақида ўйлаймиз. Унга ўринбосар тайёрлаш қандай бормоқда?

Акмал Икромов ноҳия халқ таълими бўлимига қарашли 2-БЎСМдамиз. Мактабнинг ташқи кўриниши унчалик эмас. Ичкарига кирган киши эса тезроқ қайтиб чиқиб кетсам дейди. Бу бинони яқин йиллар ичида таъмирлашмаган.

..Турли йилларда «Пахтакор», жумҳурият спорт мактаб-интернати, футбол маҳорати мактаби командалари шаҳар чемпиони бўлишган. Жумҳуриятимизнинг малакали командаларига ҳам асосан ана шу мактаблар ўйинчи етказиб берадилар. Улар тажрибали тренерлар, яхшигина спорт базаларига эга.

Акмал Икромов ноҳиясида жойлашган 2-БЎСМнинг командаси ўйинчи етказиб беришга ҳам, ғолиблик учун курашишга ҳам даъвогар эмас. Бироқ, юқорида номлари тилга олинган уч команда ана шу команда билан чўчиброқ майдонга тушади. Бунинг боиси нимада? Махсус спорт мактабига ўқувчилар саралаб олинади, улар учун биринчи даражадаги иш — футбол. 2-БЎСМ эса асосан «кўча болалари»дан ташкил топган. Бу ерда болалар уй ишларидан бўшагач, йиғиладилар. Кўп ҳолларда уйдан ортолмайдилар. Натижада команда 9-10 киши бўлиб ҳам майдонга тушаверади.

Бироқ, юқорида айтганимиздек шаҳар ғолиблари ҳам бу ердан камдан-кам ғалаба билан қайтишади. Уларда маҳорат кўп, мезбонларда эса ғурур, ғалабага интилиш. Ўйинга кечикиб келган томошабин командаларнинг қайси бири «Пахтакор» қайси бири 2-БЎСМ эканлигини дарҳол ажратиб олади. «Пахтакор» бир хил чиройли кийимда, интизомли, маҳоратли ўйинчилардан ташкил топган. 2-БЎСМда кийимнинг ярми оч сариқ, ярими тўқ сариқ, ярим ўйинчилар бутсида, ярмиси эса кроссовкада.

Биз мактабнинг катта тренери Вали Алиевич Шамсимуҳамедовнинг гапларига тўхталишдан олдин унинг ўзи ҳақида бир-икки оғиз маълумот бермоқчимиз. 14 йилдан бери тренерлик қилади. Собиқ пахтакорчилар Низом Нортожиев, Аҳмад Убайдуллаев, Константин Баканов, Абдусаттор Раҳимов, шунингдек Владимир Мосягин, Қаюм Тўлаганов ва бошқа қатор истеъдодли футболчилар унинг шогирдлари. Қисқаси Вали ака 28 йилдан бери Ўзбекистон футболига озми-кўп ўзининг ҳиссасини қўшиб келаяпти. Эрта-индин пенсияга кетадиган одам. Лекин бу мураббийнинг хизматлари ҳеч эътиборга олинмасдан келинаётир. Нега жумҳуриятимизга ташриф буюрган, ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган «сайёр» тренерлар бир-икки йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер» унвонини олишади-ю Вали акадек умрининг ярмини жумҳурият футболи равнақи учун бағишлаган кишининг хизматлари эътибордан четда қолмоқда?

Қачонлардир бу стадионда ўт бор эди. Энди бу майдон катта-кичик машиналар ўтадиган жойга айланди. «Алка» «КамАЗ»лар мол олиб келиб, омборга стадион орқали кирадиган бўлди. Болалар машқ пайтидами, ўйин пайтидами, барибир: машиналар ўтиб кетмагунича тўхтаб туришга мажбурлар. Машиналардан сўнг эса йўловчилар ўта бошлашади: 7-шаҳар касалхонаси ходимлари, 16-мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, атрофдаги маҳалла аҳли ва бошқалар. Ҳаммадан ҳам тунги «йўловчи»лар чуқурроқ из қолдиришади. Эртасига машғулотга келган болалар ишни шиша синиқлари, сигарета қолдиқларини йиғишдан бошлашади.

— Бир марта жуда хунук воқеа юз берди, — деб сўзлайди Вали ака. — «Старт» командаси бизнинг майдонга ташриф буюрди. Меҳмонлар ўйиндан олдин бироз машқ қилмоқчи бўлишди. Кутилмаганда, собиқ пахтакорчи Михаил Аннинг ўғли оёғини шиша кесиб юборди, ҳижолатдан ўзимни қаерга қўйишимни билмай қолдим.

Томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар тунги «ошиқ-маъшуқ»лар учун қўл келиб қолган.

— Куни-кеча ҳув ана-у ариққа янги туғилган чақалоқни халатга ўраб ташлаб кетишибди, — дейди мактаб қоровули Ҳаким ака.

Тренерлар ярим ҳазил, ярим чин қилиб уч-тўрт қарияни чақириб «қўй сўйиб худойи» қилиш керак дейишади. Унгача бу пок бўлмаган жойдан яхши футболчи чиқмас эмиш.

М. В. Арустамов, собиқ футболчи, ўқув ишлари мудири:

— Мактабимизда 592 ўқувчи бўлиб, улар 35 гуруҳга бўлинган. Мактаб учун давлат ҳар йили 62 минг сўм пул ажратади, шунинг 27 минг сўми ўқув-машқ машғулотлари учун, қолгани ўқитувчи ва ишчиларга маош қилиб берилади. Ҳар бир гуруҳга бир комплект кийим ва 15-20 тадан тўп (7 сўмлик) олади. Минбарни, ўриндиқларни таъмир қилишга ва стадион атрофини тўсиш учун 50 минг сўм пул керак. Акмал Икромов ноҳия маориф бўлими бу пулни беришга умуман қодир эмас. Бошимиз гаранг қаердан пул топсак экан?

М. И. Отабоев, мактаб директори:

— 30 йилдан бери шу мактабда ишлайман. Қўлимиздан ҳеч қандай иш келмайди. Биз бировга боқимандамиз. Беришса еймиз, бўлмаса бармоғимизни сўриб ўтираверамиз.

Бу муаммодан мутасадди раҳбарлар хабарсизми? Ёки ёрдам беришга вақтлари етмайдими? Нега «Пахтакор» футбол маҳорати мактаби йилига бир неча комплект спорт формалари, ўнлаб «олимпия» тўпларини олади-ю, бу мактаб болалари бутун мавсумни ёзги форма билан чанг стадионларда сифатсиз тўпларда ўтказади...

Жумҳуриятимиздаги ягона бўлган миллий 2-БЎСМ ҳақида авваллари ҳам матбуотда ёзилган. Бироқ ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Раҳбарлар ҳам ўша-ўша.

Ишқибозлар «Пахтакор»да маҳаллий ўйинчилар қани деб, неча йиллардан бери бонг уришмоқда. Биз эса футболимиз пойдеворини қуришда «ўзимизнинг пишиқ ғишт»лардан унумли фойдалана олмаяпмиз. Пойдевори пишиқ бўлмаган бино эса узоққа бормайди...

Мирза АБДУЛЛА,
Тошкент шаҳри.



«Сўғдиёна» — Самарқандда ташкил этилган ногиронлар футбол командаси. Унга шаҳар кўнгилли спорт жамиятининг касаба уюшмаси тренери Ҳайдар Кенжаев яқиндан ёрдам бераяпти.

СУРАТДА: «Сўғдиёна» билан Тошкентнинг «Матонат» клуби навбатдаги ўртоқлик учрашувида.

Р. ҒАФУРОВ сурати. (ЎзТАГ).

СИНОВЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

Бувайда ноҳиясидаги 9-ўрта мактабда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилаяпти. Бу ерда «чарм қўлқоп» мухлислари тобора кўпайиб бораётир. СССР спорт мастерлигига номзод Мурожон Султонов бошқараётган боксчилар секциясида 60 нафар ўқувчи шуғулланади.

Ўтган йили декабрь ойида Қўқон шаҳрида 1974-75 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган мусобақада 10-синф ўқувчилари М. Қовунчиев ва М. Сиддиқовлар СССР спорт мастерлигига номзод бўлишди.

Секция аъзолари яқинда Фарғонада бошланадиган вилоят ёшлар спартакиадасида қатнашадилар. Сўнгра Донецкда бўлиб ўтадиган мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ мусобақасида ҳам иштирок этишни ният қилиб қўйишган.

Қ. ТУРСУНОВ.

БИРИНЧИ ЛИГА: БУ ЙИЛ ИМКОНИЯТ КАТТА

Мана ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган биринчи лига командалари ўртасида ҳам мавсум ўйинлари бошланди. Ҳатто икки команда очколарни ўзаро бўлишиб ҳам олдилар. Улар чемпионатда илк марта қатнашаётган Тираспольнинг «Тирас» ҳамда Бокунинг «Нефтчи» командаларидир. Ўйин душанба куни ўтказилди. Ҳисоб 2:2.

Бу йил биринчи лигада жами бўлиб 20 та коллектив олий лигага бериладиган учта йўлланма учун кураш олиб боради. Булар орасида жумҳуриятимиз шарафини ҳимоя қилаётган севимли «Пахтакор» командамиз ҳам бор. Бу йилги мавсумга «Пахтакор»чиларнинг қандай тайёргарлик кўришгани ҳақида ҳозирча биз очиғи, бирон нарса деёлмаймиз. Боиси, командада ўтган йилги чемпионат ўйинлари тугагач, бўлиб ўтган ўзгаришлар, ижобий силжишлар ҳақида мухлисларнинг хабари бор.

Ҳали ҳаммаси олдинда. Айниқса бу йил ҳар йилгига қараганда имконият катта. Ана шу имкониятдан фойдаланиб қолинмаса кейин қийин бўлади. Биз футбол ишқибозларининг бор умидимиз улардан. «Пахтакор» ўзининг биринчи ўйинини Ленинградда маҳаллий «Зенит» командаси билан 7 апрелда ўтказади.

ТВ

5 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистоннинг давлат ва сиёсий арбоблари (20 — 40-йиллар). 12.00 «Арсеньевда ишлар қандай?». Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. Ўзбекистоннинг давлат ва сиёсий арбоблари (20 — 40-йиллар). 13.00 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Иккинчи фильм — «Пулково меридиани».

* * *

17.30 «Давр тақозоси билан». Тошкент вилояти саноат корхоналарида ижара муносабатларининг жорий этилиши ҳақида. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Болалар учун фильм-концерт. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нуқтаи назар». 19.15 «Ердаги из». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Алифбо сабоқлари». 20.25 Реклама. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Долзарб мавзу. 21.25 «Нафосат гулшанида». Мусиқий программа. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Абадият». Бобур ижоди ҳақида 00.10 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 «Қамал». Тўрт серияли бадиий фильм. Тўртинчи фильм — «Искра» операцияси». 19.10 «Машинасозлик — илмий-техника тараққиётининг асоси». ЎзССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасидан кўрсатув (рус тилида). 20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Кўрсатув ўтди. Нима ўзгарди?».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Оҳанги зиндаги». Публицистик кўрсатув. 22.00 «Ахбор». 22.20 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Минарҳарлик Жўра овчи». Телевизион бадиий фильм. 4-серия (рус тилида).

● МТ I

15.15 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Рус шифохонасининг оддий кунлари». Ҳужжатли фильм. 15.35 Мультфильмлар: «Айиқча қачон уйғонади», «Марусянинг карусели». 16.00 «Бугунги Эфиопия». Кинопрограмма. 16.30 «Олтин шайба» клуби соврини учун. 17.15 Фалсафий суҳбатлар. «Цивилизация тақдири». 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 «Менинг Чайковскийим». В. Клиберн билан учрашув. 21.45 «Олам кинокамера кўзгусида». 22.40 «Рақслар, рақслар, рақслар...». 23.10 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15, 9.25 Илмий-оммабоп фильмлар: «Арғимчоқлар, арғимчоқлар, арғимчоқлар...», «Бу — маймунлар». 8.35, 9.35 Табиатшунослик. 4-синф. Наҳотки бу мен? 8.55 Испан тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Испан тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.40 Биология. 8-синф. Қишлоқ хўжалик жониворлари. 11.00 «Бурда моден» таклиф этади.

12.05 «Экран усталари». Кинорежиссёр А. А. Тарковский ҳаёти ва ижодий тақдири ҳақида. 2-қисм. 13.10 Ритмик гимнастика. 13.40 «Камалак». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Озарбайжонда баҳор байрами — Наврўз ҳақида (Боку). 14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Илк қувончлар. 2-серия.

16.30 «Депортация» (Симферополь). 17.20 «Топқир қурбақа». Мультфильм. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Учар ликопча». 20.45 Қозоғистон бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 21.10 Футбол. СССР чемпионати.

ЁШ МУХБИРЛАР ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ёш ленинчи» рўзномаси қошидаги «Ёш мухбирлар» дорилфунунининг навбатдаги машғулоти шу йил 6 апрель, жума куни соат 17.30 да редакция биносида ўтказилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА — 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.

513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. — 01219. Д. — 23208.